Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 252 (13.208).
27 октябрь 1965 йил
Чоршанба
Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ва Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари — Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Живко Живков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Боян Билгаранов, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Станко Тодоров, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Тано Цолов 25 октябрда дўстлик визити билан Москвага келишди.

* * *

Шу йил 25 октябрда Кремлда КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарларининг Болгария Коммунистик партияси ва Болгария Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувда Совет томонидан Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Ю. В. Андропов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов қатнашдилар.

Болгария томонидан учрашувда Тодор Живков, Живко Живков, Боян Билгаранов, Станко Тодоров, Тано Цолов ўртоқлар иштирок этдилар.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЗАФАР МУБОРАК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ мажбуриятини ҳам бажарди

Давлатга пахта сотиш планини республикада биринчи бўлиб бажарган пойтахт областининг пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекканларида пландан ташқари яна 25 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаймиз, деб ўз зиммаларига юксак ва шарафли мажбурият олган эдилар.

Лафзи ҳалол тошкентликлар ваъдаларига вафо қилишди. Улар Ватан омборига пландан ташқари қарийб 29 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам ошириб адо этишди. Тошкентликларнинг давлатга сотган пахтаси қарийб 340 минг тоннага етди.

Область механизаторлари ҳам жуда катта зафар қозонишди. Улар машиналарда пландаги 135 минг ўрнига 150 минг тоннадан ортиқ пахта териб беришди.

Область пахтакорлари ялпи ҳосилни 350 минг тоннага етказиш юзасидан янги, қўшимча мажбурият олдилар.

ДЕНОВ РАЙОНИ

Республикамизнинг йирик ва юқори ҳосилли пахтакор районларидан бири бўлган Денов районининг меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, катта зафар қучдилар. Давлатга пахта сотиш плани муддатидан илгари муваффақиятли адо этилди. Ватан омборига 68500 тонна дурдона тўкилди. Бу, ўтган йилнинг шу муддатигача тайёрланган пахтага нисбатан 19 минг тонна кўпдир. Топширилган пахтанинг 91 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Машиналарда 22000 тонна «оқ олтин» терилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 34 центнердан ҳосил кўтарилди.

Район колхоз ва совхозларида ҳосил йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Пахтакорлар етиштирилган барча ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга яна 8000 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

БУЛУНҒУР РАЙОНИ

Самарқанд областидаги Булунғур районининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Районда пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари адо этилди. Давлатга 45730 тонна пахта сотилди. Тайёрланган пахтанинг 9500 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди.

Планни биринчилар қатори бажариб, районнинг барвақт марраға етишига муносиб ҳисса қўшган «Октябрь», «Правда», «Ленин йўли», «Правда Востока», Жданов номли, «Москва», «Партия XXII съезди» колхозлари, «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги», «Гулбулоқ» совхозларида ҳозир мажбурият ҳисобига пахта тайёрланмоқда.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, давлатга пландан ташқари 7000 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

ЖАРҚЎРҒОН РАЙОНИ

КПСС XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган Жарқўрғон районининг меҳнаткашлари маррага етдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани муваффақиятли адо этилди. Тайёрлов пунктларига 42825 тонна, шу жумладан 14000 тонна ингичка толали пахта етказиб берилди. Район механизаторлари планнинг тез бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Улар «зангори кема»ларда 7600 тонна «оқ олтин» териб бердилар.

Планни барвақт бажарган ва районнинг тезроқ маррага етишини таъминлаган «Сурхон» совхози, «Москва», «Меҳнат—роҳат», «Социализм», «Қизил Октябрь» колхозларида ҳозир мажбурият ҳисобига кўплаб пахта тайёрланмоқда.

План бажарилган бўлса ҳам, ҳали далаларда пахта кўп. Район пахтакорлари буни эътиборга олиб, давлатга яна 5200 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

АМУДАРЁ РАЙОНИ

Партиямизнинг XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фидокорлик кўрсатаётган район пахтакорлари ажойиб меҳнат зафарини қўлга киритдилар, улар она-Ватанга 33 минг 500 тонна «оқ олтин» армуғон этишиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин шараф ила бажардилар.

Крупская номли, Ленин номли колхозлар, Максим Горький номли совхоз аъзоларини маррага тезроқ етиш учун курашда байроқдор бўлдилар. Ҳали хўжаликлар далаларида ҳосил кўп. Фидокор деҳқонлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб чиқишиб, яна Ватанга 3 минг 500 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.



ПАХТАЗОР ЛОЧИНЛАРИ

Сиз чапдаги суратда Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг чевар теримчиси Шарофатхон Абдуллаевани кўриб турибсиз. Чевар қиз ҳар куни хирмонга 150 килограммдан ошириб пахта тўкаётир. Ўнгдаги суратда эса, Задарё районидаги «Восток» совхозининг энг пешқадам механик-ҳайдовчиларидан бири Абдулла Акбаров тасвирланган. «Зангори кема»нинг моҳир капитани ўз агрегатини тўла қувват билан ишлатиб, мўл «оқ олтин» ҳосилини барвақт йиғиб олишга муносиб ҳисса қўшаётир, баракали меҳнати билан ҳамколхозларининг оғирини енгил қилаётир. Абдуллажон шу кунларда ҳам агрегати бункеридан 5 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкмоқда. У мавсумда 170 тонна пахта териб бермоқчи. Пастдаги суратда Янгийўл пахта заводи ҳузуридаги пахта пункти тасвир этилган. Пункт бу йил 7,5 минг тонна пахта қабул қилади. Суратда: пахта пунктининг умумий кўриниши.

Э. Омонқулов, С. Безносов ва А. Тўраев фотолари.





БОҒДОРЛАР ЮТУҒИ

Ўзбекистон боғдорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллигига муносиб совға тайёрлаб, давлатга ҳўл мева сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Мамлакат шаҳарлари ва саноат марказларига 47 минг тоннадан ортиқ, яъни ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ўн уч минг тонна кўп мева жўнатдилар.

Тошкент, Фарғона, Сирдарё ва Хоразм областларининг боғдорлари ўз топшириқларини ошириб бажариб, энг кўп миқдорда шарбат мева бердилар. Шу областларнинг боғларида 200 минг тоннадан ортиқ мева ҳосили териб олинди.

26 ОКТЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан).

ТОШКЕНТ	0,55	109,07	0,35	111,67
ХОРАЗМ	0,49	108,47	0,41	80,53
САМАРҚАНД	0,91	101,96	0,26	73,45
СУРХОНДАРЁ	0,67	101,62	0,01	96,01
Қашқадарё	0,54	97,49	—	37,05
Фарғона	1,04	97,23	0,80	90,32
Қорақалпоғистон АССР	0,49	95,65	0,26	72,53
Андижон	1,21	93,36	0,94	78,96
Бухоро	0,65	93,13	0,01	27,46
Сирдарё	1,37	89,13	0,81	107,18
Ўзбекистон ССР бўйича	0,89	97,71	0,52	85,30

Республикада 25 октябрь куни 32.280 тонна пахта тайёрланди.

Ихтисослаштирилган совхозлар ғалабаси

«Узсадвинконсерв» Давлат комитетига қарашли ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик совхозлари коллективлари Октябрь байрами ва КПССнинг бўлажак XXIII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар қабул пунктларига пландаги 11780 ўрнига 12200 тонна сифатли пахта етказиб бериб, йиллик планни барвақт бажардилар.

Ихтисослаштирилган совхозлар ҳозиргача бултур шу вақтга қадар тайёрланган пахтадан 6195 тонна кўп «оқ олтин» топширдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар

Сурхондарё областидаги ДЕНОВ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Э. Мавлонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ч. Ниёзов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **К. Умаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Н. Даминов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **А. Пак**).

Андижон областидаги НАМАНГАН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Набиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Пўлатов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **К. Иноқов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Абдурахимов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Н. Цой**).

Самарқанд областидаги БУЛУНҒУР РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Ризаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Ҳакимов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Ражабов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Жабборов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **В. Қурбонов**).

Андижон областидаги ЧУСТ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Бобохонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Маманжонов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **М. Иброҳимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Жўраев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ю. Тимофеевев**).

Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, ҳар бир колхоз ва совхознинг рентабелли бўлишига эришингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ИНДОНЕЗИЯДАГИ МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРНИНГ БИРЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Сўнгги ҳафталар мобайнида жаҳон жамоатчилигининг эътибори Индонезиядаги воқеаларга жалб бўлиб қолди. У ерда ўтган ойнинг охирида давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрилган эди. Шу тўнтаришни тайёрлаган кучлар ҳамда тўнтаришнинг ҳақиқий мақсадлари хусусида гоят хилма-хил тахминий фикрлар баён қилинмоқда. Аниқланган фақт фақат шундан иборатки, подполковник Унтунг бошлиқ индонез офицерларини ўз ичига олган фитначилар гуруҳи актив куч сифатида ҳаракат қилиб, исён кўтаришга уриниб кўрган.

Жакартадан олинаётган хабарларга қараганда, фитна барбод бўлгандан кейин Индонезиядаги вазият кескинлашгича қолмоқда. Ички реакция ўзининг сиёсий мухолифларидан аламини олиш учун қулай пайт келди, деб ҳисоблаб, ана шу вазиятдан фойдаланиб қолди. Бунда индонез революциясининг асл душманлари — яна юзага қалқиб чиқиб қолган ўта ўнг, экстремист гуруҳлар ва унсурлар айниқса актив роль ўйнамоқда. Шу гуруҳлар ва унсурларнинг кўпи бир қанча йиллардан бери фаолияти тақиқлаб қўйилган реакцион партиялар билан чамбарчас боғлангандир.

Реакция индонез халқи миллий бирлигининг манфаатларини назар-писанд қилмай, асосий зарбани Индонезия Коммунистик партиясига ва мамлакатнинг бошқа демократик ташкилотларига қарши йўналтирмоқда. Коммунистлар, бошқа партияларнинг прогрессив кайфиятдаги арбоблари орасида ёппасига қамоққа олишлар ва тинтувлар ўтказилмоқда. Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва маҳаллий комитетларининг бинолари, кўпгина демократик ташкилотларнинг штаб-квартиралари остин-устун қилиб ташланди. Бир қанча сўл газеталар, шу жумладан Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Харian ракъят» газетаси ёпиб қўйилди. Бунинг устига, илгари хабар берилганидек, Индонезиянинг кўпгина районларида Компартиянинг ва бошқа прогрессив ташкилотларнинг фаолияти вақтинча тақиқлаб қўйилгани яқинда эълон қилинди.

Гўё Индонезия Компартияси «30 сентябрь ҳаракати»да қатнашди, деган баҳона билан антиком. мунистик кампания авж олдирилмоқда. Шу билан бирга, Индонезия Компартияси 5 октябрдаёқ расмий баёнот эълон қилиб, муваффақиятсизликка учраган тўнтариш ташкилотчиларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтгани ва тўнтаришга «қуруқликдаги армиянинг ички иши», деб баҳо берганидан иборат фактга мутлақо эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Башарти, ҳатто сўл ташкилотларнинг айрим аъзолари иғвога учиб, 30 сентябрдаги воқеаларга қандайдир алоқадор бўлганлар, деб фараз қилинганида ҳам, бу нарса барибир уч миллионли Индонезия Компартиясига қарши ишлатилаётган репрессияларни асло оқлай олмайди. Индонезия Компартияси чинакам ватанпарвар ва революцион партия бўлиб, муносиб суратда шуҳрат қозонган.

Индонезия Компартияси Индонезия халқи миллий демократик бирлигининг асосий кучларидан бири бўлиб, ҳақли суратда ўрин эгаллаган. Индонез халқининг революцион курашида Индонезия коммунистларининг катта хизматлари борлиги ҳаммага маълум. Шу нарса бежиз эмаски, индонез халқи ўз миллий озодлиги учун оғир кураш олиб борган йиллардаёқ Голландия мустамлакачилари коммунистларни ўз мамлакатнинг озодлиги учун энг изчил ва фидокор курашчилар деб билиб, асосий зарбаларни уларга қарши қаратган эдилар. Индонезияни япон милитаристлари оккупация қилиб турган даврда коммунистлар келгинди золимларга қарши халқ курашчиларининг олдинги сафларида бўлдилар, Индонезиянинг миллий мустақилликни қўлга киритишида улар катта роль ўйнадилар. Индонез коммунистларининг мамлакат давлат суверенитетини мустаҳкамлаш учун, ташқи ва ички реакция кучларининг кирдикорларига қарши, ана шу кучларнинг ёш Индонезия Республикасини бўғиб ташлаш йўлидаги ҳаракатларига қарши курашдаги хизматларини ҳамма билади.

1958 йилда империалистлар Суматра ва Сулавеси оролларида иғвогарлик билан реакцион исён уюштирган маҳалда, Индонезия коммунистлари ана шу исёнга қарши ватанпарвар кучлар олиб борган курашнинг олдинги сафида бўлдилар. Улар Голландия мустамлакачиларининг индонез тупроғидаги сўнгги таянчи — Ғарбий Ирианни озод қилиш учун фидокорлик билан курашдилар. Компартия мустамлакачилик ва феодализм қолдиқларига қарши, империализмнинг кирдикорларига қарши, мамлакатни демократик асосларда ўзгартириш ва социал тараққиётга эриштириш учун изчиллик билан курашиб келаётганлиги туфайлигина Индонезия меҳнаткашлари ўртасида катта обрў қозонди.

Индонезиядаги антикоммунистик ҳаракатлар тўлқини мамлакат миллий демократик кучларининг бирлигига жиддий путур етказади, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда мамлакат халқининг куч-ғайратларини заифлаштиради. Компартияга ва бошқа демократик ташкилотларга ҳужум қилаётган кишилар ўз мамлакатининг миллий манфаатларига бевосита путур етказаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Индонезия миллий бирлигини сақлаб қолиш йўли билангина халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш, чинакам миллий сиёсат ўтказиши ва ажнабий кучларнинг қуролига айланиб қолмаслиги мумкин.

Индонезия халқи олдида революция ғалабаларини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, революциянинг сиёсий, иқтисодий ва социал негизларини мустаҳкамлашдан иборат муҳим, жуда зарур проблемалар турганлиги билан ҳам ҳисоблашмасдан бўлмайди. Бу ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал қилиш миллий бирликни, барча революцион кучлар ҳамкорлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлангандир.

Империалистлар ва даставвал Америка империализми Индонезия Коммунистик партияси ва бошқа демократик ташкилотлари дучор қилинаётган репрессиялар ва қувғинлардан хурсанд бўлаётганини яширимаяпти. Ички ва халқаро реакция ҳозирнинг ўзидаёқ антикоммунистик кампаниядан фойдаланиб, Индонезияни антиимпериалистик фронтдан ажратиб олишга уринмоқда. АҚШ, Англия империалистлари ва уларнинг Малайзиядаги қўғирчоқлари бу кампанияни авж олдиришга бир талай куч-ғайрат сарфлаётганликлари мутлақо бежиз эмас.

Халқаро реакция коммунистларни миллий озодлик ҳаракатини парчалашга интилмоқда, деб айблашга уринмоқда. Жаҳон прогрессив жамоатчилиги бундай уринишларни қатъиян рад этади. Марксчи-ленинчи партияларнинг идеологияси, стратегияси ва тактик принциплари бутун дунёдаги илғор кишиларга яхши маълум. Сиёсий авантюризм, исёнчилик ва сектантлик марксизм-ленинизмга ётдир. Марксчи-ленинчилар ривожланиб келаётган оламдаги миллий демократик кучлар тимсолида ўзларининг табиий иттифоқчиларини кўрмоқдалар, империализмга қарши, миллий тикланиш ва социал тараққиёт учун олиб борилаётган умумий курашда ана шу кучларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашни ўз бурчлари, деб биламоқдалар. Коммунистлар миллий озодлик ҳаракатидаги барча ватанпарвар, антиимпериалистик кучларнинг кенг иттифоқини вужудга келтириш учун ҳамиша курашиб келдилар ва курашмоқдалар, улар барча прогрессив, революцион ташкилотлар ва арбоблар билан виждонан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Индонезияда эълон қилинган бир қанча расмий баёнотлардан шу нарса кўринмоқ турибдики, бундан буён ҳам антикоммунистик кампанияни авж-га миндириш революция тақдири учун қандай оғир оқибатларга олиб бориши мумкинлигини мамлакатнинг раҳбар доираларида яхши тушуниб турибдилар. Ички ва ташқи реакция демократик кучларга қарши репрессияларни янада кенг авж олдирайлик, деб гиж-гижлаётганига қарамай, президент Сукарно билан Индонезия ҳукумати миллий бирликни сақлаб қолиш йўлида ақл-идрок тақозоси билан иш кўришга чақирдилар.

Совет кишилари Индонезия халқига нисбатан ҳаммиша қардошлик туйғуларини изҳор қилиб келдилар ва изҳор қилмоқдалар. Индонезия революцияси тараққиётининг ҳамма босқичларида Совет Иттифоқи Индонезия Республикасига доимо бутун чоралар билан ёрдам ва мадад кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Шу сабабдан бизнинг мамлакатимизда Индонезиядаги воқеаларнинг боришини зўр эътибор ва ташвиш билан кузатмоқдалар. Индонезиянинг демократик кучлари империализмга қарши, мустамлакачиликка қарши курашдаги умумий фронтнинг ажралмас қисмини ташкил этадилар, бинобарин, улар тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларнинг хайрихоҳлиги ва мададкорлигига умид боғлашга ҳақлидирлар. Совет кишилари шунга ишонадиларки, ишчилар синфининг сиёсий кураши учун тарихий ва социал шарт-шароитлар мавжуд бўлган мамлакатларда ҳеч қандай таҳқирлар ва репрессиялар коммунистик ҳаракатни тўхтатиб ва бўғиб қўя олмайди.

Индонез халқининг бошига оғир синовлар тушган кунларда совет кишилари Индонезияда соғлом ақл-идрок ва масъулият туйғуси устун келади, бу мамлакатнинг барча ички проблемалари Индонезия революциясининг манфаатларини тўла ҳисобга олган ҳолда демократик йўл билан ҳал этилади, деб сидқидилдан умид қиладилар.

Совет Иттифоқида индонез халқи билан дўстликни, индонез халқининг империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши изчиллик билан олиб бораётган фидокорона курашини гоят қадрлайдилар. Совет халқи сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда СССР билан Индонезия ўртасидаги ҳамкорликни давом эттиришга сидқидилдан интилмоқда.

Совет кишилари ишонч билдирадиларки, ички ва халқаро реакция ўзининг мамлакатда антикоммунистик вассасини авж олдириш, миллий ватанпарвар кучлар бирлигини бузиш ва Индонезияни мустақил демократик тараққиёт йўлидан тойдириш борасидаги уринишларида муваффақиятсизликка учрайди.

(26 октябрдаги редакцион мақола).

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Республикамизда янги ҳаракат бошланди. Ҳар бир киши КПСС нинг XXIII съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш тараддудини кўрмоқда. Бу ҳаракатга Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг коллективи ҳам қўшилди. Марказий Комитет сентябрь Пленуми қарорларидан илҳомланган пойафзалчилар маҳсулотларни тежаб-тергаб сарфлашга, уларнинг таннархини арзонлаштиришга интилмоқдалар. Йил бошидан буён қарийб 400 минг дециметр чарм тежаб қолинди. Шу ҳисобдан қўшимча равишда хотин-қизлар учун 12,5 минг жуфтдан ортиқ пойафзал тайёрлаб чиқариш мумкин.

Корхона меҳнаткашлари материалларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида 23 минг сўмдан ортиқ фойда кўрдилар. Т. Аъзамов, М. Азизов, В. Кряжева, И. Зарецкий каби коммунистик меҳнат зарбдорлари съезд олди меҳнат вахтасида алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар. Улар смена нормаларини 1,5-2 ҳисса орттириб бажармоқдалар. Ойига камида 800-1000 дециметрдан орттириб чарм ишлаб чиқариш топшириғи анча олдин адо этилди. Маҳсулот таннархи 24 минг сўм арзонлашди. Фабрика ишчилари ва инженер-техник ходимларининг фидокорона меҳнатлари натижасида ҳамма соҳалар бўйича кўрилган фойда 50 минг сўмдан ҳам ортиб кетди.

Б. ПЎЛАТОВ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

153-қурилиш трести биринчи бошқармаси Чилонзор массивининг 6 секторида 48-квартирали барча қулайликларга эга бўлган турар-жой биносини қуриб фойдаланишга топширди.

М. СУЛТОНОВ.

* * *

159-қурилиш трестининг 7-бошқармаси бинокорлари куни кеча пойтахтнинг студентлар шаҳарчасида ошхона-кафе учун янги бино қурилишини битирдилар.

Ошхона замонавий дизайним ва чиройли мебеллар билан таъминланган.

* * *

«Средазтрансстрой» Тошкентдаги қурилиш бошқармаси коллективи яқинда Тошкент трамвай-троллейбус трести ишчи ва хизматчилари учун хашаматли ётоқхона биносини қуриб фойдаланишга топширди.

Пойтахтимизнинг Болгарские огороди турар-жой массивида қад кўтарган бу ётоқхонада 411 ишчи ва хизматчи истиқомат қилади.



Уртоқ С. Колокольников Тошкент тўқимачилик комбинатида 30 йилдан буён ишлайди. У газламаларга гул босиладиган нусхаларни тайёрлаб беришда алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Бу илғор ишчи ҳозирги кунда газламалар учун жуда чиройли янги хилдаги нусхалар тайёрламоқда. Суратда: ўртоқ С. Колокольников.

В. Сироткин фотоси.

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ.

ҲАСАД ЙЎЛИНИ ТЎСИНГ

Ахлоқ мавзуида

Инсоннинг яхши фазилатлари ҳақида жуда кўп гапирилди. Бундан кейин ҳам гапирилади. Аммо биз бугун ана шу яхши фазилатларга доғ туширадиган баъзи иллатлар устида тўхтамоқчимиз. Булар ҳаётда учраб қоладиган бахиллик, ичи қоралик, зиқналик ва ҳоказолар. Биз қаторимиздаги баъзи одамларда шундай иллатларни кўрганимизда қаттиқ хафа бўламиз. Чунки булар текканга тегиб, тегмаганга тош отишга, бировларнинг тирноқлари остидан кир излашга одатланиб, оқни кора, қорани оқ дейдиган қайсар, ярамас одамларга айланиб қолган кишилардир. Ўзини таниган, одамлик қадри-қимматини ўйлаган ҳар бир киши ҳар қачон бошқалар бахтига, уларнинг хизматдаги ё шахсий ҳаётдаги ютуқларига худди ўз бахти, ўз ютуғидай қувонади. Лекин ичи қора, бахил, зиқна одам бировнинг бахтини ҳам, ютуғини ҳам кўролмайди. Бундайлар ичи қоралик қилиб: «Менда-ку йўқ, сенда нима учун бўлиши керак!» дегувчи бахиллик қутқисининг қуллари бўлиб қоладилар.

Хўш, бундай ярамас қилиқ, яъни бахиллик қаердан пайдо бўлади?

Албатта, бахиллик қон ё жон билан ўтадиган физиологик ҳодиса эмас. Ҳар қандай чақалоқ яхши фазилатни ҳам, ёмон фазилатни ҳам кейин — яшаш, ўсиш жараёнида орттиради. Агар шундай бўлмаса, ёмон ҳулқ-атворли ота-онанинг боласи ҳар вақт ёмон, яхши ҳулқ-атворли ота-онанинг боласи ҳар вақт яхши бўлиб ўсиши керак эди. Лекин ҳаётда, ҳақиқатда бундай эмас. Аслида болани чинакам инсон қилиб етиштирадиган, уни ёмон ҳулқ-атвордан сақлаб тарбиялайдиган энг катта, энг бообрў мураббий — ота-она, оила муҳити ё шу оилада ота-она ўрнини босган катта ёшли одамлардир.

Маълумки ҳар бир ота-она болаларининг ками-кўстсиз ўсишларини, оилада, ҳаётда бахтли бўлишларини истайди. Бу табиий.

Баъзи оилаларда ота-оналар болаларини кичикликларида кўтиргочқдай ясатишади. Қўлларини совуқ сувга урдирмай папалашади, эркатой қилиб ўстиришади. Охирда булар инжиқ, ичи тор, зиқна бўлиб етилишади. Бу хил болаларда қаноат қилиш, йўғига қўниқиш хислати бўлмайди. Аксинча, кўнгиллари тусаган нарсани ҳар қандай тадбир билан, ҳатто ҳаром-ҳариш йўллар билан муҳайё қилиш майли тараққий топади. Агар мана шундай майл томири вақтида қирқилмаса, у болани охирда маънан майиб қилади. Бунақа бола ота-онасининг қудратли паноҳидан ҳаволаниб, уйида ҳеч кимнинг гапини қулоққа олмайди, мактабда синфдошларини, ҳатто муаллимларини ҳам назарга илмайди, мактаб коллектив эканини, коллективда ҳамма ўзини баравар тутиши кераклигини писанд қилмайди. Бу ҳулқ-атвор болани катта ҳаёт қийинчиликларидан, яъни ҳар қандай ғола катта бўлганда дуч келадиган меҳнат машаққатларидан қўрқадиган қилиб қўяди. Меҳнат қийинчилигидан қўрққан одам, табиий, осон, енгил йўл билан тирикчилик қилиш пайига тушади. Охирда у ҳавойи, енгил-елпи ҳаётга ўрганиб, ўзининг инсонлик шарафини ҳам, жамият олдидаги бурчини ҳам унутади-да, майда, бачкана, қирриқ одамга айланади. Бундай қирриқлар ҳаётда шараф тополмаганлари, теварагидагилар ҳурматини қозона олмаганлари учун бошқаларнинг ҳаётдаги, меҳнатдаги ютуқларига, эл орасидаги ҳурматларига ҳасадланиб, ичлари куйиб қарашади.

Ота-оналардаги нотўғри севги чуқурроқ таҳлил қилинса, бу севги ундай ота-оналарнинг ўз болаларини майиб қилиш билангина чегараланиб қолмаганини, унинг нуқси бошқа болаларга ҳам ургачини кўрамиз.

Бир мисол. Яқинда бир танишим қизининг туғилган куни муносабати билан меҳмон чақириқ қилди. Одам кўп, дастурхон бехад тўкин. Атрофда нуроний чол-кампирлардан тортиб, майиги энди сабза уришга бошлаган йигитчалар, бўйига етган қизларгача бор. Ҳамма кимнидир ё кимнидир кутади. Ўртада гапирувчи ҳам топилмайди. Мабодо топилса, гап-гапга қовушмайди. Нариги хонада бир қизнинг чинқириб йиғлагани, бемаза сўзлар айтиб кимнидир сўкаётгани ўртага ноқулайлик солар эди. Узоқ тортишувдан кейин қўшни хона эшиги тарақлаб очилди-ю, асов тойчоқдай орқасига тисарилиб, тирқишлик қилиб ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир қиз йигламсираб чиқди. Бир ёғдан онаси, иккинчи ёғидан отаси суяб, эркалаб юриб қизчани тўрдаги бўш стулга ўтқазишди. Қизча меҳмонларга салом ҳам бермади, теварагида кимлар борлигига парво ҳам қилмади. Меҳмонлардан баъзилари уни юпатмоқчи бўлишди. Лекин қизча лабини буриб, «Бар! Бар!» деб жеркиб берди. Онаси: «Ҳай, унақа қилма, қизим, уят бўлади!» демади. У бутунлай бошқа гапни айтди.

— Вой шу жаноблнинг болалари-ей, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! — деди.

Меҳмонларнинг бетамизлигидан фиғони чиқяпти деб ўйладим. Йўқ, ундай эмас экан.

— Хонзодамнинг туғилган кунига атаб бир кўйлак тиктирувдим ҳай-ҳай-ҳай! Кийдирдим, бирам ярашди, худди келинчакнинг ўзи бўлди-қолди! Қаранглар, ўртоқларининг бир кўзини куйдирсин деб мактабига кийгизиб юборсам бўладими! Бир қоранг ўчгур шундоғ кўйлакка сиёҳ сочиб юборибди-да! Бечора қизим қон йиғлаб келди...

Меҳмондорчилик менга татимади. Узр айтиб чиқиб кетдим. Лекин мени бу можарода ким айбли, қизига ўхшаш бетамиз онанинг сўзи билан айтганимизда, «бир қоранг ўчгур» нима учун яп янги кўйлакка сиёҳ сочди, уни сиёҳ сочишга нима мажбур қилди, деган саволлар безовта қиларди. Ҳақиқатан ҳам, бу қўпол ҳазил ё бемаза шумлик оқибатими? Ё бўлмаса болалар қўлидан нела оладиган бир норозилик ёки нафрат аломатими?

Синфдош кийимига сиёҳ сочиш ё унинг ўқув қуролларига зарар етказиш, албатта, кўп ёмон нарса. Бу қаттиқ қораланадиган, йўл қўйилмайдиган бебошлик.

Келинг, шундай бебошликни, яъни зиқналикни туғдирадиган сабабни қидириб кўрайлик.

Маълумки, мактабнинг ўз қонун-қоидаси бор. Ота-онанинг имконияти дан қатъи назар, ҳамма бола бир хил кийиниб бориши, ўзини бир хил тутиши керак. Агар Хонзоданинг онасига ўхшаш мактаблар қонунини менсимайдиган оналар мактабга ўз арзандаларини бугун бир хил, эртага иккинчи хил, индинга яна бошқа хил кийдириб юбораверишса, бундай қонунбузарларга мактаб мазмурияти ҳам индамаса ё бирон андишага бориб ўзини кўрмаганга олса, мактаб қоидасигина эмас, болалар кўнгли ҳам бузилади. Айниқса қизларга ёмон таъсир қилади. Улар синфда ё қаторларида Хонзодага ўхшаган ясан-тусанли қизларни кўрганларида, улар ҳам шунақа кийиниб, шунақа безаниб юришни истаб ота-оналарига хархаша қиладилар, ўксинадилар.

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

САНОАТ ИСТИҚБОЛИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР

Давримиз халқ ва мамлакат ҳаётида чуқур из қолдирувчи воқеаларга бой. Шулардан бири КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидир. Унда ҳаёт илгари сурган муҳим масалалар муҳокама қилиниб, социалистик саноат истиқболи кўрсатиб берилди. Саноатга раҳбарлик қилишнинг қайта ташкил этилганлиги мамлакат экономикаси ва халқ хўжалиги тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Бу тадбирлар аввало социалистик ишлаб чиқариш қонунларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, социалистик ишлаб чиқариш афзалликларини янада кўпроқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Партия ва ҳукуматнинг саноатни бошқаришни яхшилаш борасидаги тадбирлари маҳаллий Советлар олдига янги вазифаларни қўйди. Буни ҳал этмоқ учун маҳаллий Советлар ўз ишларини қайта ташкил этишлари лозим.

Тошкент области саноат жиҳатдан республикада етакчи ўринлардан бирида туради. Область Ўзбекистон саноати маҳсулотининг ярмидан кўп қисмини бермоқда. Саноатимиз сўнгги йилларда айниқса тез суръатлар билан юксалмоқда. Етти йиллик мобайнида область саноатининг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 2,4 марта кўпайди.

Областда саноат соҳасида эришилаётган муваффақиятлар ҳам, унинг истиқболи ҳам ғоят қувончли. Лекин шу билан бирга саноатни янада тараққий эттириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаётир деб бўлмайди. Бу имкониятларни ишга солишда маҳаллий Советлар ва уларнинг кўп сонли депутатлари ўз фаолиятларини кучайтиришлари керак.

Депутат — халқ ҳизматкори. Айни пайтда у ишлаб чиқариш авангарди, сардори бўлиши керак. Шундай фазилатларни ўзида мужассамлантирган юзлаб ажойиб депутатларимиз бор. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга меҳнатда шахсий намуна кўрсатиш ўрнига сусткашлик қиладиган, камчиликларга муросасозлик кўрсатадиган, резерв ва имкониятларни қидириб топиш ҳамда ишга солиш ҳақида бош қотирмайдиган депутатлар ҳам учрайди. Уларнинг активлиги оширилса, шубҳасиз ютуқларимиз кўпаяди, ишлаб чиқариш суръати тезроқ ўсади, мавжуд камчиликларга хотима берилади. Резерв ва имкониятлар эса ҳамма ерда мавжуд. Бир мисол: капитал қурилиш плани йил сайин тўла бажарилмаётир. Ишлаб чиқариш қувват ва асосий фондлари ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётир. Тошкент области бўйича етти йилликнинг олти йили мобайнида капитал қурилишга ажратилган маблағ тўла ўзлаштирилмади. Планнинг бажарилмаётганлигининг сабаби шундаки, қурилишда асбоб-ускуналари ўз вақтида олинмаётир, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрлаб берилмаётир.

Саноат тармоқларининг кўп сонли комитетлар ва халқ хўжалик кенгашларига бўйсундирилганлиги саноатни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатган асосий факторларнинг биридир. Территориал принцип асосида саноатни бошқариш турли район саноат корхоналари билан ишлаб чиқариш алоқаларини бўшаштириб юборди. Энг ёмони, ишлаб чиқаришга раҳбарликни қийинлаштирди. Тармоқ принципидан қайтиш саноатга раҳбарлик қилишни жуда мушкул қилиб қўйди, чунки у кўп погонали ва чалкаш бўлиб кетди.

Ишлаб чиқаришга оид кўпчилик, хатто оператив масалаларни ҳам кўп сонли ташкилотларда ҳал қилишга тўғри келди. Масалан, Тошкент областида пишиқ ғишт ва оҳак камчил. Шундай бўлишига қарамай область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида бу маҳсулотларни тайёрлаш бўйича янги қувватларни қуриш тўхтатиб қўйилган.

Область ижроия комитети область халқ хўжалик эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, мавжуд қувватлардан ва маҳаллий ҳом ашё ресурсларидан рационал фойдаланиш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси системасида пишиқ ғишт ва оҳак тайёрлашни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилди.

Аммо бир неча ойдан бери «Узглавбит» ва республика Госпланининг бунга розилигини ололмаяпмиз. Шундан сўнг унга бошқа муассасаларнинг фармойиши ҳам олиниши керак.

Бизнингча, маҳаллий ва оператив характердаги масалаларни область ижроия комитетларининг ўзлари ҳал қиладиган бўлсалар яхши бўлур эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорлари асосида шундай масалалар доирасини белгилаш керакки, уларни область ижроия комитетлари қарорлари билан ҳал қилиш мумкин бўлсин. Бу республика Министрлар Совети аппарати ишини анча енгиллаштирган бўлур эди.

Раҳбарликдаги тарқоқлик аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга ҳам халақит бермоқда.

Ҳозирги вақтда Коммунал-хўжалик министрлиги ва «Узглавбит» республика аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Уларнинг фаолият доираси айрим соҳаларда чегараланган. Бу баъзан ғалати ҳангомаларга сабаб бўляпти.

Бир ерда жойлашган ва бир-бирини тўлдирадиган корхоналар, масалан ҳаммом ва сартарошхоналар бор, уларнинг биринчиси Коммунал-хўжалик министрлигига, иккинчиси эса «Узглавбитга бўйсунади. Бу иккала ташкилот қарамоғида кир ювиш хоналари бор.

Фикримизча, бу масалани ижобий ҳал қилиш керак, уни охирига етказиш лозим. Область ижроия комитетлари эса ҳатто ана шундай арзимаган масалаларни ҳам ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас экан.

Аҳолини, айниқса қишлоқ меҳнаткашларини ичадиган сув билан таъминлаш, канализация, газ, ҳаммомлар, кир ювиш хоналари хизматидан бахраманд қилиш ишида мавжуд бўлган камчиликлар ҳақида тўхтаб ўтмаслик мумкин эмас.

Канализация тармоқларининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Район марказларида канализация тармоқлари умуман йўқ. Шаҳарларда эса у шаҳар хўжалигининг ривожланишидан кескин орқада қолмоқда.

Бизда ҳаммомлар ҳам кам. Айниқса, қишлоқ жойларида етарли эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, моддий-техника таъминотининг ёмонлиги, бинокорлик ташкилотларининг механизмлар билан етарли қуролланмаганлиги, уларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминланмаётганлиги коммунал қурилиш учун ажратилган маблағларнинг ҳар йили тўла ўзлаштирилмаслигига сабаб бўляпти.

Қишлоқ жойларда қурилишни ташкил этиш ва планлаштиришда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шуларнинг ҳаммаси республикада қишлоқ қурилиши министрлиги ташкил этиш вақти етиб келганлигини ва зарурлигини кўрсатади.

Ана шу министрлик составида областларда ишлайдиган ихтисослаштирилган трестлар ташкил этиш масаласини чуқур ўйлаб кўриш керак. Бу трестлар водопроводлар, канализация ва газ тармоқлари қурилиши билан шуғулланиши лозим.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг саноатни бошқаришни яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирлари хўжалик ҳаётини янада демократлаштириш билан бирга саноатга марказлашган планли раҳбарликни таъминлайди.

Шу муносабат билан маҳаллий Советларнинг роли ортиб бориши билан боғлиқ бўлган айрим фикрларни баён қилмоқчимиз. Бизнингча, саноат ишига фақатгина тармоқ министрликлари ва корхоналар раҳбарлари жавобгар бўлиб қолмай, маҳаллий Советлар ҳам жавобгар бўлиши лозим.

Ҳаммага маълумки, партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин ҳар бир меҳнаткашнинг давлатни бошқариш ишларида амалий иштирок этиши коммунистик жамият қуришнинг энг асосий омилларидан бири деб ҳисобларди эди. Бундай иштирокни эса аввало меҳнаткашлар депутатларининг Советлари ва уларнинг органлари орқали таъминлаш мумкин.

Афсуски, сўнгги йилларда маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрочи органларининг корхоналар билан алоқаси муттасил сустлашиб борди. Натижада уларнинг корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатиш имконияти чекланиб қолди.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг органлари саноат корхоналарини бошқаришда иштирок этишдан сунъий равишда четлаштирилиши кўпинча тор маҳкамачилик, меҳнат, маблағ ва моддий ресурслардан нооқилона фойдаланишнинг кучайишига сабаб бўлди.

Тошкент «Заготхлопколубтрест» саноат-молия планининг айрим кўрсаткичлари сўнгги 9 ой ичида беш марта ўзгартирилди. Бу масала область ташкилотлари билан келишилмасдан ҳал қилинган.

Маҳаллий Советларнинг корхоналар билан алоқаси мустаҳкамланиши, уларнинг саноатга раҳбарлик, район, шаҳар, область хўжалигини ижсалтиришни планлаштиришдаги ролининг оширилиши мавжуд ресурс ва резервлардан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Саноатнинг, барча халқ хўжалигининг ривожланиш суръатини янада тезлаштиришга хизмат қилади.

Лекин шу нарсани айтиш керакки, Советларнинг саноатга раҳбарликдаги ролини оширишда ижроия комитет штатларининг мавжуд структурасини ҳам ўйлаб кўрмоқ керак. Биз кўп ишларни жамоатчилик асосида, доимий комиссияларнинг актив иштирокида олиб бормоқдамиз. Бундан буён ҳам шундай бўлади. Шу билан бирга штатли аппаратни ҳам мустаҳкамлаб бориш лозим.

Тошкент области республика саноатида етакчи ўринлардан бирини эгалласа ҳам, область ижроия комитетида саноат тараққиёти ҳамда уни жойлаштириш масалалари билан шуғулланувчи бўлим ёки группа йўқ. Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ каби областнинг йирик шаҳар ижроия комитетлари ва бошқа район ижроия комитетлари саноатга раҳбарлик қилиш билан шуғулланувчи штатларга эга эмас. Шунинг учун ҳам **область ижроия комитети ҳузурида саноат билан шуғулланувчи референтлар группасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

Саноатга раҳбарликнинг янги услуби давлат план органларининг ролини оширишни тақозо этади. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми бу масалага алоҳида эътибор берди. Лекин бизнинг назаримизда, республика Госпланидаги ишларни жонлантириш учун область, шаҳар, район план комиссияларининг ролини ошириш керак. Булар партиямиз қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради. Область Совети ва унинг кўп сонли активлари бутун куч-ғайратларини ана шу улуғ мақсадга қаратганлар.

Э. ШАЙХОВ,

Тошкент область ижроия комитетининг раиси.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг октябрь сонидан бошлаб марксизм-ленинизм асослари мактаблари учун «КПСС тарихи», «Сиёсий-иқтисод асослари» ва «Партия тўғрисидаги ленинча таълимот асослари ва коллективдаги партиявий ишлар» курслари бўйича мунтазам суратда методик қўлланмалар ва мақолалар босилади. Темаларнинг ҳар бирида тингловчиларнинг диққати жалб қилиниши керак бўлган асосий масалалар ажратиб кўрсатилади.

Бундан ташқари, журналда марксча-ленинча назарияни, марксизм-ленинизмнинг айрим проблемалари ва В. И. Ленинниг муҳим асарларини мустақил ўрганувчилар учун мақолалар босилади.

Яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон коммунистининг» 10-сонида «Партия тўғрисидаги ленинча таълимот асослари ва коллективдаги партиявий ишлар» темаси бўйича методик қўлланма босилди.

Журналнинг бу сонида КПССнинг навбатдаги XXIII съездини чақириш тўғрисида, саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1965 йил 29 сентябрда қабул қилган қарори эълон қилинган.

Журналда «Партия конференциялари» сарлавҳали бош мақола, «Марксизм-ленинизм асослари мактаблари, пропагандистлари ва тингловчиларга ёрдам» рубрикаси остида «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» тузилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан Е. Гридневанинг «Пролетариат революцион партиясининг тимсоли», Г. Ждановнинг «Бошланғич партия ташкилотлари — КПСС асоси» сарлавҳали мақолалари, партия маорифи системасида ўқув йилининг бошланиши муносабати билан ўқув планлари ва қўлланмалар босилган.

Хатларингизга жавоб берамиз

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Оққўрғон. Район алоқа бўлими ва «Союзпечать» ходимларининг қўлиқўлига тегмайди. Ҳамма жойда 1966 йил учун обуна тўплаш қизғин тус олган. Бу сиёсий кампанияда матбуот тарқатувчи жамоатчи активлар айниқса яхши ишламоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан район марказидаги Ломоносов номли, Ҳамза номли, Алимкент қишлоғидаги Жданов номли мактабларнинг ўзидагина 4000 сўмдан ошиқ обуна тўпланди.

Жамоатчи ўқитувчилар ёрдамида райондаги колхоз, совхозларда ҳам обуна тўплаш қизиб кетди.

М. Канзафаров.

Задарё. Райондаги «Гулбоғ» совхози ишчилари бу йил ҳам ҳар йилдагидек газета, журналларга кўплаб обуна бўлмоқдалар. Ҳозиргача совхозда 5000 сўмликдан зиёд обуна тўпланди.

Б. Маҳмудов.

Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи Улуғ Октябрнинг 48 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун курашмоқда. Корхона илғорларидан бири — Дина Ҳусниддинова смена топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этмоқда. Суратда ўртоқ Д. Ҳусниддинова.

А. Тўраев фотоси.



ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛСИН!

ХАТЛАРГА ОБЗОР

◆ ◆

Кейинги йилларда республикамизда поселка ва қишлоқларни бош план асосида қайта қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳақда редакцияга кўплаб хатлар келиб турибди.

— Поп районидаги Ленин номли колхоз территориясидаги Гурумсарой қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди,— деб ёзади газетхон Р. Назаров. Бу ерда сўнгги бир неча йил мобайнида кўплаб турар-жой ва жамоат бинолари қад кўтарди. Янги, кенг асфальт кўчалар барпо этилди. Шу йилнинг ўзида қуриб битказилган клуб, стадион ҳамда 35 ўринли касалхона, иккита медпункт, саккиз йиллик мактаб бинолари қишлоқ жамолини янада очиб юборди.

Газетхонлардан И. Исмоилов Хоразм область Урганч районидаги Карамаҳ қишлоғи, М. Қўшмақов Фарғона область Киров районидаги «XX партсъезд» совхози территориясига жойлашган Шатура қишлоғи, В. Мамарасулов Тошкент область Бўка районидаги Боғаро қишлоғи, Ж. Халидов ва бошқа ўртоқлар Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги қатор колхоз қишлоқларн ободонлашиб бораётгани ҳақида қувонч билан ёзадилар.

Бу ишда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, депутатлар, кенг жамоатчилик яхши ташаббус кўрсатяптилар. Чунончи, Андижон область Бўз районидаги Ховос қишлоқ Советининг йўл қурилиши ва ободончилик доимий комиссиясининг раиси депутат ўртоқ М. Омонов ҳақида Э. Қўлдошев, Қашқадарё область Китоб поселка Советининг ободонлаштириш соҳасидаги ибратли ишлари тўғрисида М. Қодиров ўртоқлар илиқ сўзлар ёзиб юборганлар.

Лекин аҳвол ҳамма ерда бирдай эмас. Айрим қишлоқ ва поселка Советлари ўз территориялардаги колхоз ва совхоз қишлоқларини ободонлаштириш ишларига эътибор бермаётирлар. Бу механизаторларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

— Термиз районидаги Куйбишев номли колхоз раиси Ҳамро Соқиев ва партия ташкилотининг секретари Е. Тайлоқов ўртоқлар уч йилдан бери мажлис ва йиғилишларда сўзга чиқиб, колхоз территориясидаги йўлларга асфальт ётқизамиз, кўприкларни ремонт қиламиз, деб гапирганларни гапирган. Амалда-чи? Бу ишга мутлақо эътибор берилмаётир,— деб куйиниб ёзади сурхондарёлик газетхон Т. Убаев. Шунингдек, Н. Ортиғалиев, Ҳ. Жонқобилов, Х. Мингбоев, Э. Зарипов, М. Усмонов ва бошқа ўртоқлар йўлланган хат ва хабарларда Пастдарғом район йўл бўлими ходимлари район территориясидаги ремонтга муҳтож йўлларни тартибга келтирмаётганликлари, Янгикабоғ районидаги «Ленинизм» колхозига жойлашган Чўмич қишлоғи шу кунгача электрлаштирилмаганлиги, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг айрим бўлимларида ҳам ободонлаштириш ишларига, Қарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг 3-бўлимида эса механизаторларга маданий-маиший хизматни яхшилашга аҳамият берилмаётганлиги танқид қилинади.

Механизаторларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, қишлоқларни давр талаблари даражасида қайта қуриш маҳаллий Советлар, депутатлар ва кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

ҚИШЛОҚЛАР ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛАДИ

Ҳамза Ҳакимзода номли совхознинг 4-бўлимида олтита қишлоқ бор. Сўнгги йилларда қишлоқларда типовой формада кўплаб иморатлар қурилди, жамоат бинолари қад кўтарди. Янги йўллар чиқарилди, хиёбонлар ташкил этилди. Ишчилар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобига данғиллама уйлар қуриб олдилар. Мевали ва манзарали дарахтлар қишлоқларинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Лекин ана шундай гўзал қишлоқларнинг аҳолиси Ильич нуридан бебаҳра қолаётгани меҳнат аҳлини хафа қилмоқда. Қишлоқлар қачон электрлаштирилади? Бу саволга совхоз ва район раҳбарларидан жавоб кутамиз.

Редакция меҳнаткашлардан олинган анз шу мазмундаги хатни Ленинград район ижроия комитетига юборибб, унда келтирилган фактларни текшириб кўришни, амалий тадбирлар белгилашни илтимос қилди. Район ижроия комитетидан қуйидаги жавоб олинди.

Текширишда меҳнаткашларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз 4. бўлимига қарашли қишлоқлар, жамоат жойларини электрлаштиришга 12 минг сўм маблағ ажратилди. Электрлаштириш ишларини Фарғона область 4. қурилиш-монтаж бошқармаси амалга оширади. Шу йилнинг охирига қадар қишлоқлар Ильич нури билан тўла таъминланади.

Энди юқорида мени безовта қилган саволлар ғаҳлилига ўтсак. Аввало, Хонзода можаросида энг олдини онанинг ўзи айбдор. «Метрини йигирма сўмдан олувдим-а!» деб куйиб-ёниб зорланган бу она муштумдай қизига сарф қилган пулини кўради-ю, тушуғи ёнидаги арзандасидан нарисини кўрмайди. Ў ўз боласини шундай эъзозлаши, пахтага ўраб папалаши орқасида бошқа болаларда ўк синиш уйғонаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. У билмайдики, ўксиниш — ёмон иллатлар уруғи

Агар бола ҳадеб ўксинаверса, охирда у куйгинчанка, куйгунчаклик эса ҳасадгў, ҳасад бахилликка, бахиллик зиқналикка айланади.

Болаларда бўладиган бахиллик иллатларининг бир томонини кўрдик. Энди қолганларини қўлимиздаги мактублар кўрсатсин.

«Ўқитувчимизнинг қилиқлари ғалати. Катта амалда ишлайдиган одамларнинг болалари ёмон ўқишса ҳам, яланг аъло баҳо қўяди...». (Ўш... мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Кароматхон Расулева).

«Мактабимиз колхоздан анча йироқ. Биз ҳаммамиз пёв борамиз-у, колхозимизнинг раиси болаларини колхоз «Волга»сида элтиб қўяди...» (Ҳазорасп, ... мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Ҳаким Ниёзметов).

«Тарих ўқитувчимиз шу йил курортга борган эканлар, қайтишларида Москвадан қизларга тилла соат олиб келибдилар. Ёқут тошчалар билан безатилган билакузукли тағин. Синфдаги қизларнинг ҳеч биттасида йўқ бунақа ажойиб соат. Дугонам мактабга тақиб келади. Ҳар кўрганимда юрагим жиғиллаб, менинг ҳам шунақа соатим бўлса, дейман. Ахийри ойимларга йиғлаб ялиндим, менга ҳам олиб бериг, деб. Ойимлар билан адамлар яхши ойлик олишади. Иккаласини қўшсак, икки юз сўмдан анча ортади. Пуллари бўла туриб олиб бермаганларига жуда ёмон хафа бўлдим. «Мактаб боласига тилла соат ярашмайди, қизим. Ҳали кичкинасан, ўқишингни ўйла, мактабингни битир, олий маълумот ол, ишга кир, кейин соат бир гап бўлар», дедилар. Ҳайронман, дугонам нимани хоҳласа, дарров олиб беришади. Адалари курортга кетаётганларида, дугонам «тилла соат олиб келинг», деб тайинлаган эканлар, қанақа чиройли тилла соат олиб келибдилар. Ё менинг ота-онам хасисми, мендан пулларини қизғанишадими ёки мени дугонамнинг ота-оналаричалик яхши кўришмайдими?» (Тошкент, Октябрь райони,... мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Шарифа Камолова).

Йўқ-йўқ, Шарифахон, сизни ота-онангиз дугонангизнинг ота-онасидан кўра кўпроқ, тўғрироқ яхши кўришади. Улар сизнинг бугунингизни эмас эртангизни ўйлашади, ёмонликка олиб бориши эҳтимол бўлган йиғлиш ҳавас қурбони бўлиб қолмаслигингизни исташади. Шунинг учун ҳайрон ҳам бўлманг, ота-онам мени кам севади, деб кўнглингизни ҳам бузманг. Фарзандга, айниқса мактаб ёшидаги болаларга ота-она севгиси худди шундай қаттиққўл бўлиши керак.

«Нечун бундай?» саволлари билан тугаган юқоридаги бир неча мактуб парчасидан кўриниб турибдики, болалар ўзларига бўладиган муносабатдаги ҳар хилликдан эзиладилар, кичкина юракларига нотўғри муносабат хўрлигини сигдира олмайдилар. Натижада, уларнинг ғаму ғуссадан, тенгсизлик аламидан мусаффо қолда яйраб туриши лозим бўлган тоза юракларига ёмон дард чўкади, бу бора-бора бахиллик, зиқналик қуртига айланади.

Ажабо, бундай ҳоллар фақат мактабдагина бўладими? Оиладачи?

Маълумки, ўзбек оилаларининг аксарияти аёлманд. Худди мана шундай кўп болали оилаларда ота-оналар ўз фарзандларига кўпинча бир хил қарамайдилар. Ё отанинг, ё онанинг, ё бўлмаса ҳар иккаласининг эркатойи, яъни арзандаси бўлади. Улар бошқа болаларининг кўзларини бақрайтириб туриб, ана шу эркатойни бошларига кўтаришади, бошқа болаларининг шўхликлари ё инжиқликларига йўл қўйишмайди, аммо арзандасининг ҳар қандай қилигини, ярамас хулқини кечиришади, унга яхши кийимлар олиб беришади, уни шоколадлар билан сийлаб туришади. Оқибатда, ота-она эътиборидан четда қолган болаларда ҳалиги эркатойга нисбатан кўролмаслик, оиласига нисбатан эса ўгайлик ҳисси туғилади. Бундай болалар вояга етиб, мустақил меҳнат ҳаёти бошлаганларида ота-оналарига меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб қоладилар.

Ота-онанинг муқаддас бурчларидан бири болаларининг ҳаммасига бир хил қараш йўли билан уларда аҳиллик, дўстлик, бир-бирини қўллаш-қувватлаш ҳиссини кучайтириб боришдир. Бундай ҳис бола қалбига томир ёйганда, у оиладагина эмас, кейинчалик катта ҳаётда, коллективда ҳам яхши мевасини беради. Инсон коллективга кенг, ёркин ҳис билан кириши лозим. Тор, шахсий ҳис билан коллективга кирганда, у ҳамма вақт чалинади. Бундай ҳисга коллективдагина эмас, оилада ҳам ўрин бўлмаслиги керак. Баъзи ота-оналар ўз болаларига муносабатларида ҳаётнинг мана шу ҳаққоний талабини унутиб қўядилар ё фарқ этмайдилар.

Болаларимизни жамиятга, меҳнатга ҳар тарафлама соғлом, етук қилиб етиштиришда мактаб, шубҳасиз етакчи роль ўйнайди. Бу эса мактаб болалар тарбиясидаги бурчини бир зум ҳам унутмасligи керак, деган сўз. Агар баъзи кам фаросатли ота-оналар болаларини Хонзодага ўхшатиб ҳаволантириб юборсалар, мактаб қонун-қоидаларини бузсалар, Ўшдан Кароматхон ёзганидек, айрим муаллимлар ўқувчиларга ҳар хил кўз билан қарасалар, ўзларига яқин кишиларнинг болаларини тўғри йўлга солиш ўрнига нотўғри йўлларида рағбатлантирсалар, бундай болалар охирда жамиятга нафи эмас, зарари тегадиган такаббур, сиркаси сув кўтармайдиган жирраки, ниҳоят, тенни томоқ бўлиб етишадилар. Кўп афсусни, бундай болалар ўзлари майиб бўлибгина қолмай, соғлом ўсаётган болаларни ҳам баъзан заҳарлайдилар. Демак, муаллимлар, мактаб маъмурлари шундай ҳолларда ҳеч кимнинг юзига қарамай мактаб қонунини қаттиқ тутиб ҳимоя қилишлари, уни бузувчиларга қарши шафқатсиз бўлишлари лозим.

Мактаб тартибининг мана шу хил бузилишига йўл қўймасликда синф раҳбарларидан жуда ҳам ҳушёр, жанговар бўлиш талаб қилинар. Синфга бирон қиз ё ўғил бола қоидадан ташқари кийимда ё алфозда келса, уни дағаллик билан эмас, ёғиғи билан тартибга чақириш, агар бола буни уқмаса ё ўз далилини келтириб гап қайтарса, у ҳолда болани ота-онаси билан тезда суҳбат ўтказиш, уларга мактаб қонун-қоидасини тушунтириш лозим бўлади.

Бу талаблар мактаблар учун янгилик эмас, албатта. Мактаб раҳбарлари олдида ҳамма вақт бурч бўлиб келаётган ҳаётий масалалар булар. Фақат шуниси аччинарлики, мактабларда бу талабларга ҳамма вақт ҳам риоя қилинмайди, кўп вақт эсдан чиқарилади ёки ортиқча ташвиш деб қўл силтанади.

Хонзодаларнинг онаси орамизда битта эмас. Бундай оналар кўп топилади. Энгиги сўзимизни шу хил оналарга қаратсак.

Болангизнинг бугунги ҳавойи истакларини қондиришга шошилишдан сақланинг. Унинг эртанги бахтини ўйланг. Шу нарса эсингизда бўлсинки, одамга безаклар, қимматбаҳо кийимлар эмас, яхши фазилат ҳусн беради. Болаларингизни содда, одми кийинтиринг. Одмилигда ҳам ўзига хос гўзаллик бор. Кийим арзонбаҳо матодан бўлса ҳам, чиройли, ярашимли тикилса, тоза тутилса, бу ҳам одамга ташқи ҳуси бера олади.

Ниҳоят, яна бир катта бурч: жамиятни меҳнатда ҳалол, ҳаётда олижаноб, гард-ғубордан пок, кўнгли тоза авлод билан тўлдириб боришимиз керак. Бунинг учун болаларимиз тарбиясига ҳушёр бўлайлик, уларнинг пок юракларига ўрмалаб кириш мумкин бўлган ҳасад қуртининг йўлларини тўсайлик!



Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг «эзангори кема» калитанлари ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олиш ҳақида сўз беришган. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш мақсадида Октябрь олди мусобақасини тобора кучайтиряптилар. Моҳир механик-ҳайдовчи Тилла Холбоев механизаторлар мусобақасининг пешқадами. У ҳозиргача 90 тонна пахта терди. Суратда ўртоқ Тилла Холбоев пахтазорда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХУШХАБАРЛАР

Наманган эксперименталь трансформатор заводининг коллективи пландан ташқари 30 минг сўмлик янги турдаги кўпгина буюмлар ишлаб чиқарди. Бу меҳнат ғалабаси коллективнинг партия XXIII съезди шарафига ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишига кўшган дастлабки ҳиссасидир. Шаҳардаги бошқа корхоналар ҳам меҳнат вахтасида туриб зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Химия машинасозлиги заводи ўз қувватини оширяётир. Бу ерда минг тонналик пресс монтаж қилинмоқда. Бу пресс яқин кунларда ишга туширилади.

●

Ўзбекистон пойтахтидаги «Юлдуз» тикув фирмаси таркибида синтетик тола-лавсан кўп бўлган газламалардан эркаклар костюми чиқармоқда. Таркибида лавсани бўлган материалдан кийим тикиш анча мураккаб иш. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда тикувчиларга Бутуниттифоқ енгил саноат ассортимент институтининг ва Москвадаги «Большевичка» бирлашмасининг мутахассислари ёрдам бердилар.

Тошкентлик тикувчилар ноябрь ойидан бошлаб таркибида лавсани кўп бўлган газламадан кўплаб эркаклар костюми тикишга бошлайди.

Шунингдек «Қизил тонг» тикув фирмасида, суани ўзига олмайдиган сунъий капрон мўйнасидан хотин-қизлар ва болалар пальтосини оммавий суратда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотлар қулай, чиройли ва арзондир.

●

Республиканинг савдо ходимлари Октябрь байрамига ҳозирлик кўрмоқдалар. Савдода бўлган кўп миқдордаги товарлар ёнига яна янги товарлар келтирилмоқда.

Савдо министрлигидан хабар беришларича, айниқса гўшт келтириш кўпайтирилмоқда, колбаса ва пишлоқларнинг турлари ортмоқда. Шунингдек крупа, консерва ва сельдларнинг запаслари кўпайди. Сотувчилар кондитер товарларининг ўнлаб турларини харидорларга тақдим этадилар.

Азамат водий

Бериги ёғи Боботог, Чўли Байир ва Санжар чўққиларининг улуғвор тизмаси билан кўкларга кўтарилган, нариги ёғи Амударёнинг қудратли тўлқинларида чўмилаётган Сурхон водийсини эслатди. Бойсун тоғлари гўзаллигида ва бойлигида Шоҳимардон тоғлари ва Чотқол билан бас бойлашгандек кўринади.

Сурхондарё областини бизнинг кўзимизга бунчалик гўзал кўрсатган — унинг табиатигина эмас, аввало одамлари, уларнинг ажойиб ишлари ва бугунги улкан галабасидир.

Сина тоғлари этагидаги Гулқишлоқда Хожархон деган бир киз бор. Еши ўн саккизга тўлипти, ўн биринчи синфни битириб, акаси агроном Муҳаммад Азимовнинг табаббуси билан механизаторлик курсига кирган экан. Ҳозир у райониинг гвардиячилари қаторида мавсум бошидан бери 75 тонна пахта теribди. Унинг оёгидаги кўпол, чанг босган этиги, эгнидаги пахта гардлари ёпишган камзули, уятчан кўзларидаги ибо ва жасоратни кўриб, киши ҳаёлга толади, фахрланади.

Хожархоннинг опаси Ҳалимаой бригада бошлиги. Унинг дугонаси Мунаввар Маматқулова эса қўшни бригадага бошлиқ, у ҳам 35 кишига бошчилик қилади. Бу қизлар бригадирликка кўтарилганда кўплар кулишганди, собиқ бригадиримиз Бобомуродов эса, «мендан бошқаси эплолмайди, деганди. Лекин қизчамиз ишончимизни оқлади», — дейди Собир Раҳимов номли колхознинг раиси Ўртоқ Қурбонали Едгоров. Мунаввар ҳосилни 32 центнердан 40 центнерга кўтарибди.

Ёки тоғ йигити Зоид Раҳимовни олинг, у ўн санкиз яшарлигида тоғдан келган. Ўшанда пахта деган нарсани биринчи марта кўрган экан. Ҳозир Ленин орденли механизатор. Мавсум бошидан бери 260 тонна пахта теribди.

Денов район партия комитетининг биринчи секретари Эгамберди Мавлонов билан танишмисиз? Биз у киши билан кўришганда, «ухламадингизми?» — деб сўрадик. У қизарган кўзларини уқалаб, кулимсиради: «Пахтани териб олайлик-чи, кейин тўйиб ухлаймиза». Бу киши раҳбарлик қилаётган Денов райони ҳосилдорлик бўйича биринчи ўрин учун курашмоқда.

* * *

Афсоналарда айтилишича, зобит Доро бу водийнинг ҳамма далаларига тўғон қуриб, тоғ дарёларининг сувини тиллага сотган экан. Балки бу афсона эмасдир. Бойсун тоғларидаги қадимий тўғон қолдиқлари ва «Бандихон» синғари жой номлари шундан дарак беради. Бухоро амири Шерободнинг чўлларини суғориш учун рус дворяни Ананьевга 99 йилга ҳаҳолаб ҳам берган дейишади. Лекин бу қадимий тупроқ ҳеч қачон сувга қонган эмас. Термиз музейига кирсангиз, бир хужжатга кўзингиз тушади: чор амалдори «Пастариқининг сувини Патта кесар деҳқонларига наңд пулга сотиш» тўғрисида фармон чиқарган...

Халқ бошига тушган офатдан, юртнинг ташвалигидан фойдаланиб мол-мулк тўпловчи элфурушларнинг қадами Октябрдан кейингина тинди. Поёнсиз мамлакатнинг бу жанубий водийсида ҳам буюк ишлар бошланиб кетди. Айниқса водийнинг ғарби-жанубидаги асрлик ташна чўллар Сурхондарё пахтакорларининг ватанпарварлик кучини синаш майдонига айланди. Жанубий Сурхон ва Учқизил сув омборлари, чўллар бўйлаб сув таровчи Занг канали бу ерларнинг иқлимини ҳам, ҳусниии ҳам ўзгартириб юборди. «Советобод», «Янгнобод», «Комсомолобод» синғари қофиядош номли янги гигант совхозлар пайдо бўлди. Яқин йилларда жанубий Сурхон денгизи қарийб бир миллиард кубометр сув сақлайдиган бўлиб, Шеробод канали ишга тушса, Бешқўтон ва Бандихон чўлларида қарийб 100 минг гектар янги ер очилиб, 13 та янги совхоз барпо этилади. Азамат водийнинг чўл қисмидаги бу гўзал келажак кўп азим меҳнат, катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, жўръат ва жасорат, идрок ва ирода талаб қилади, албатта.

Шеробод чўлининг этагидаги Гагарин номли совхозининг темир йўл станцияси, шу ердаги янги полигонлар ҳозир темир-бетон конструкциялар, қувурлар, қурилиш материаллари билан тўлиб тошган. Ҳамма нарса янги совхозлар учун, ҳамма йўллар чўлда қад кўтараётган шаҳар типидаги совхоз посёлкаларига олиб боради. Бетон қийган ўндек ариқлар, асфальт йўл тасмалари тугилаётган совхозларнинг бўлғуси пахтазорларини кесиб ўтади. Мана, биз Комсомолободнинг бетон ётқизилган кўчаларига кириб келдик. Кўп қаватли маъмурий бинолар, узоқдаги тоғ этакларигача тизилиб кетган оқ уйлар — турар жойлар. Совхознинг пахта бера бошлаганига уч-тўрт йил бўлди холос. У биринчи йилдаёқ планини бажарган эди. Бу йил эса давлат топшириғини адо этиш учун қирқ иш куни кифоя қилди.

Бу йил, албатта ҳамма жойдагидек, бу ерда ҳам сув иши қийин бўлди. Лекин энг қийини бу эмас. Асрлик чўл ерларини планлаштириш, текислаш, тупроқнинг зарур структурасини ҳосил қилиш, ўтдан, шўрдан қутулиш, машинага мослаш... қийин иш кўп. Аммо энг қийини булар ҳам эмас. Энг оғир, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа одамлар билан ишлаш эди.

Уйғонаётган, яшараётган бу чўлларда ҳали киши оз, моҳир деҳқон қўли жуда қадрли. Совхоз ишчиларининг кўпчилиги Бойсуннинг соф ҳавоси обод қишлоқларидан бог-рогини ташлаб келган ватанпарварлар. Уларнинг бу жазирама, сершамол, ёввойи чўлларни обод қилиши ва тургун бўлиб қолиши учун чинакам инсоний ғамхўрлик талаб этилади. Афсуски, дастлаб қурилган янги совхоз посёлкаларида шу нарса ҳисобга олинмаган. Жуда кўп пул сарфланган бўлса ҳам, сувчилар, трактурчилар 200 сўмдан ошириб ойлик олаётган бўлса ҳам, баъзан одийгина ҳаётий қулайликлар етишмайди. Масалан, «Комсомолобод» совхози посёлкаси иш жойидан узоқ ерга солинган. Посёлкеда 8-9 йилдан бери боғлар у ёқда турсин, бирон дарахт кўкартирилмаган, чунки бунга жой йўқ. 40-45 даража иссиқ бўладиган, гармсел эсиб турадиган чўлга турар жой солганда кўкаламзордаштиришни кўзда тутиш лозим эди. Шахсий манфаат, ҳаётий қулайлик тушунчалари назардан қолган даврларда йўл қўйилган бу камчиликлар эндиги 13 та янги совхоз қурилишида албатта ҳисобга олиниши керак.

Бу ерларга ватанпарварлик туйғуси билан келган пахтакорлар турғун бўлиб қолишлари керак. Улар Шеробод чўлларини ёввойи табиатнинг қўлидан тортиб олиб, пахтазор ва боғзорларга айлантирадилар. Биз бунга аминмиз. Чунки Сурхон водийсининг бошқа ерлари омонсиз табиатнинг ёвуз қўлидан юлиб олиниб обод қилинган.

Мана биз Деновда ўтирибмиз. Сангардак ва Боботог этакларида ястаниб ётган, жазонга машҳур серҳосил ерлар...

— Денов — Юрчи ботқоқларида капаларимизни тўғридан кўриб, туни билан пашшага таланар эдик. Юзларимиз шишиб, қонталаш бўлиб кетарди, — деб ҳикоя қилади колхоз тузувининг ветерани Бобораҳмат ака. — Мана энди кўриб турибсиз, бу ёқни доңгдор «Ҳазорбог» совхози, бу ёқни генерал Раҳимов номли, Ульянов номли колхоз ерлари! Бўлади, укаларим, Шеробод чўллари ҳам водиймизнинг кўм-кўк, бой ва обод бурчаги бўлиб қолади!

Водийни кенг мислсиз ҳосил кўтарган азамат пахтакорлар билан суҳбатлашганимизда бизни бир маҳалнинг ўзида ҳам қувонтирган, ҳам кўнглимизда баъзи мулоҳазалар туғдирган яна бир нарса — терим машинасига бўлган муаммолар бўлди.

Сурхонлик дўстларимизга таъна маъносида эмас, ҳаниқат тарзида шуни айтиш лозимки, водийда етиштирилган ҳосилни йиғиб олишда терим машинасининг улуши катта эмас, ҳосилнинг асосий қисми қўл билан терилган.

Бунинг сабаби нимада? Балки Сурхон водийсида ҳали ҳам терим машинасига унча ишонмайдиган, унга шубҳа билан қарайдиган одамлар бордир? Балки, бир маҳаллар республикамизнинг бошқа районларида бўлганидек, тилида машинага баракалла деб, дилида унга қарши турган колхоз раҳбарлари бордир?

Йўқ! Биз бундай одамларни, бундай раҳбарларни кўрмадик. Аксинча, қаерга бормайлик, — хоҳ Сангардак этагидаги Собир Раҳимов номли колхоз ерлари бўлсин, хоҳ «Ҳазорбог» совхозининг пахтазорлари, Сариосиё қишлоқлари бўлсин, биз ҳамма жойда терим машинасини муҳаббат билан тилга олган одамларни, унинг камлигидан шикоят қилган колхоз ва совхоз раҳбарларини кўрдик.

Азамат водийнинг ўз Турсунойлари, ўз Маниоп Жалоловлари етишиб чиқибди. Биз «ХВС-1,2» машинасида юз тоннадан ошириб пахта терган ёш-ёш қиз, келинчакларни, 250 тоннани дўндириб қўйган ажойиб йигитларни кўрдик. Деновдаги Ульянов номли колхоз 3 минг тонна, Собир Раҳимов номли колхоз 2200 тонна, «Ҳазорбог» совхози эса 5000 тоннадан ортиқ пахтани машинада терган.

Водийда механик-ҳайдовчи энг қадрли одам бўлиб қолибди. Биз механик-ҳайдовчи деганда аёлларнинг, нуроний чолларнинг, ёш болаларнинг кўзлари меҳр билан чақнаганини кўрдик. Колхоз ва совхоз раҳбарлари эса илғор кишиларнинг номини сўраганимизда биринчи навбатда механик-ҳайдовчиларнинг номларини тилга олишди.

Рост, у ер-бу ерда айбни ипак пахтага (уни машинада териб бўлмас эмиш), ёки шўрҳок ерларга тўнкаган (бу гапни биз янги совхозларда эшитдик) битта-яримта раҳбарлар ҳам учраб турди. Лекин бу қийинчиликларни енгиш керакми, ёки уларни йилдан-йил рўкач қилиб, қўл меҳнатига зўр бераверш керакми? Бу саволга водий механизаторларининг ўзлари «Енгиш керак ва енгиш мумкин!» демоқдалар. Биз Сурхон пахтакорларининг бу фикрига қўшиламиз. Тошкентда ўтириб, пахта терши машинасини областларга тақсим қилаётган ўртоқлар ва биринчи навбатда «Узсельхозтехника» раҳбарлари бу масалада ҳаммага бирдай қараши, водий пахтакорларини ранжитмасликлари, бу азамат водийнинг келажагини кўзда тутишлари керак. Ахир Бўка районида 700, Бекободда 550 машина бўлса-ю, бутун Сурхон водийсида 1200 машина ишласа. Бунк нормал бир хоя деб бўладими?

Ҳар ҳолда, биз ишонч билан айта оламизки, эндиликда пахта терши машинаси Сурхонда занг босиб ётмайди, унинг тилини биладиган, уни боплаб ишлата оладиган, унинг қадрига етадиган одамлар водийда етарли.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари асосида бу йил хўжаликлар жуда кўп қўшимча даромад олмоқдалар. Мана, Денов районидаги Ульянов номли колхоз ҳозир ўтган уч йилдагидан анча кўп пахта беришти. Биз борган кунларимиз бу колхоз биринчи сортга топширган ҳар центнер пахтаси учун давлатдан 61 сўмдан пул олмоқда эди. Колхознинг жуда катта чорваси бор, ундан келадиган даромад ҳам бултургидан хийла баланд. Биргина шу колхоз бу йил 4 миллион сўмдан ортиқ даромад олади. Олинган даромаднинг кўп қисми механизаторларга тақсимлаб берилади, уларнинг ҳаётини фаровон қилишга сарфланади. Колхознинг ҳамма участкалари тўлиқ электрлаштирилган. Бу йил эса 1000 хонадонга газ келтирилади. Яқин йилларда қишлоқда водопровод қурилади. Абдаҳад Ҳалимов раислик қилаётган бу колхоз правлениесининг иши бошқа ҳамма хўжаликларга ибрат бўлиши керак.

Азамат водийнинг катта галабасини ажойиб меҳнатсевар одамлар яратганини биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Шу одамларга ғамхўрлик қилиш ҳамманинг диққат марказида туриши лозим. Партиямизнинг сўнгги пленуми ҳам энг муҳими инсон ва унинг бахт-саодати эканини кўрсатиб берди.

Асқад МУХТОР,
Пиримқул ҚОДИРОВ,
Одил ЁҚУБОВ,
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.


3.650.000 ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1965 йил 26 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи стун — областлар ва районлар; иккинчи стун — — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи стун — машинада терилган пахта)

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
ОРЖОНИКИДЗЕ	121,54	116,20
ОҚҚЎРҒОН	113,69	132,15
УРТА ЧИРЧИҚ	112,80	112,15
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	110,72	123,47
КАЛИНИН	108,71	71,72
БЎКА	108,11	113,88
ЯНГИЙЎЛ	103,33	93,67
БЕКОБОД	101,03	100,05
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
ЯНГИАРИҚ	113,80	71,40
ШОВОТ	110,16	108,08
ХИВА	109,56	73,61
ҲАЗОРАСП	108,01	77,18
УРГАНЧ	106,61	85,83
ГУРЛАН	100,62	82,91
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
ҒАЛЛАОРОЛ	119,68	—
НАРПАЙ	110,31	83,86
ХАТИРЧИ	108,31	82,73
ПАЙАРИҚ	102,74	78,17
КАТТАҚЎРҒОН	100,98	74,10
БУЛУНГУР	100,96	77,24
Иштихон	98,03	58,39
Пастдарғом	94,84	53,76
Самарқанд	85,27	96,57
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
ШЎРЧИ	109,09	102,31
САРИОСИЁ	103,84	116,13
ШЕРОБОД	102,16	45,29
ЖАРҚЎРҒОН	100,97	100,19
ДЕНОВ	100,57	100,16
Термиз	87,42	44,44
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
ЧИРОҚЧИ	116,35	25,54
ШАҲРИСАБЗ	107,39	35,41
ҚАМАШИ	106,93	47,80
ҒУЗОР	102,99	95,00
ЯККАБОҒ	101,53	27,54
Косон	87,37	53,00
Қарши	70,96	30,43
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
КИРОВ	118,74	107,90
ЎЗБЕКИСТОН	106,58	101,43
ПОП	102,67	103,23
Ленинград	99,40	84,32
Бағдод	98,59	81,89
Олтиариқ	90,39	73,24
Охунбобоев	89,70	80,74
Қува	86,85	95,54
Фарғона	86,85	67,88
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
БЕРУНИЙ	109,06	74,15
ТЎРТКЎЛ	104,58	77,21
АМУДАРЁ	100,80	77,44
ХЎЖАЙЛИ	100,63	56,88
Чимбой	82,33	54,07
Кегайли	81,48	95,78
Қўнғирот	78,43	76,24
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
БУЗ	113,79	115,13
ЗАДАРЁ	111,94	108,69
ЧУСТ	101,93	80,58
НАМАНГАН	100,82	67,66
Москва	95,27	83,79
Учқўрғон	94,00	81,69
Хўжаобод	91,98	82,90
Янгиқўрғон	91,58	74,59
Балиқчи	91,52	97,34
Ленин	91,50	53,42
Қўрғонтепа	89,53	93,59
Избоскан	85,69	71,52
Андижон	83,29	35,22
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бухоро	98,04	29,15
Ғиждувон	97,40	28,53
Когон	95,23	35,23
Вобкент	95,02	16,93
Навоий	91,52	33,06
Ромитан	89,16	30,03
Қоракўл	86,58	23,41
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
ПАХТАОРОЛ	100,91	127,26
Жиззах	95,28	115,78
Боёвут	95,23	107,55
Киров	92,39	117,26
Сирдарё	87,37	99,22
Гулистон	83,51	101,83
Еттисой	83,38	87,40
Ильич	76,73	106,25



Республикамизнинг пахтакорлари ҳосил йиғим-теримини қизғин давом эттирмоқдалар, ғаллакорлар эса келгуси йил мўл ҳосили гамида ерга уруғ ташламоқдалар. Қашқадарё областининг хўжаликлари экишни тезроқ тугаллаш учун интиляптилар. Бу соҳада Қамаши районидаги «Фарғона» совхозининг ғаллакорлари намуна кўрсатишяпти. Суратда совхоз даласида дон экиш пайти.

А. Тўраев фотоси.

40 ЙИЛДА ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

Бойсунликг Кўчкак қишлоғидаги кексалар шу ерлик Салоҳиддин отанинг Жалолиддин исмли ўғли бўлганини, ёшлигида адашиб кетганини эслашар, лекин унинг тақдирини билишмасди. Бировлар уни 1930 йилларлаги очарчилик вақтида ўлган деса, бошқалар умри узоқ бўлса юргандир, деб тахмин қилишарди.

Яқинда 1920 йилда дом-дараксиз кет г ан Жалолиддин она қишлоғига келди.

— Қиш д о ғ и м и н, акам Камолидд и н и н, қариндош - уруғларни сог и на р д и м. Аммо уларнинг қаердалигини аниқ билолмасдим. Лекин кидирган топаркан. Ёпликда яшаган, яшлаган жойларим Шеробод, Термизни суриштириб, туғилган еримни, жигарларимни аниқладим, топдим.

— Мен, — деб ҳикоясида давом этди Жалолиддин, — Улуғ Ватан уруши бошланиши биланоқ фронтга кетгандим. Фашист газандаларини Берлинга қадар қувиб бордик. Уруш тугагач, Красноярск шаҳрида яшай бошладим. Бу орада рус қизи билан турмуш қурдим. Тинч-тотув яшаяпмиз. Тўнғич фарзандимиз Толя ҳозир институтда билим олияпти.

Жигарларнинг топишганидан қишлоқда барча қувонди.

П. ТОШҚУЛОВ,
Ж. НАРЗУЛЛАЕВ.
Сурхондарё область, «Бойсун» совхози.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

СИРДАРЁ. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида 100 ўринли касалхона, 50 га яқин уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳозир колхозда янги магазин, кинотеатр бинолари қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

М. Турсунбоев.

ҚАШҚАДАРЁ. Сўнгги йилларда Шаҳрисабз районидаги «Партия XIX съезди» колхозида 700 ўринли клуб, 4 та кутубхона, 2 та ошхона, чойхона, магазин каби маданий-маиший хизмат бинолари қад кўтарди. Яқинда бу ерда 67 хонадон янги уйларга кўчиб кирди.

Ж. Халилов.

ИРҚЧИЛАР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН

ТАСС БАЁНОТИ

Сўнгги кунларда империалистик ва мустамлакачи кучлар Африка халқларига қарши янги жиноят тайёрлаётганликлари тўғрисида хабарлар олинмоқда. Бунда Африкадаги Зимбабве халқининг мамлакати, инглиз мустамлакачилари ва оқ танли маҳаллий ирқчилар томонидан аёвсиз эзиб келинаётган Жанубий Родезияни Жанубий Африка Республикасига ўхшаш ирқчи давлатга айлантириш режалари тўғрисида гап бормоқда. Жанубий Родезиядаги оқ танли ирқчиларнинг раҳбари Ян Смитнинг Англия ҳукумати раҳбарлари билан яқинда тамом бўлган музокараларидан сўнг ирқчилар ўзларининг бу соҳадаги фаолиятларини айниқса кучайтириб юбордилар. Смит Лондондан қайтиб келганидан сўнг: Жанубий Родезия яқин вақт ичида «мустақил» деб эълон қилинади, деган гапни айтди.

Жанубий Родезиядаги ҳокимиятнинг оқ танли ирқчилар қўлида сақланиб қолиши империалистик ва мустамлакачи кучлар, Англия, Америка, Ғарбий Германия монополиялари ва бошқа монополиялар мўлжаллаб қўйган анча кенг планнинг бир қисми эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг мақсади Африкани тўла озод қилиш йўлига ғов солишдан, ҳеч бўлмаганда Африка қитъасининг жанубий қисмини ўз ҳукмронлиги остида сақлаб қолишдан иборат. Африкадаги мустақил давлатларга ва Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракатига қарши қаратилган мустамлака фронтининг марказида муҳим позицияни эгаллаб турган Жанубий Родезияга бу ишда катта роль ажратилмоқда.

Жанубий Родезияни оқ танли ирқчиларнинг «мустақил» давлатига айлантириш, шубҳасиз, Африка учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши, халқаро тинчлик учун янги хатарли манбанинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Жанубий Родезия масаласи муносабати билан ҳозирги вақтда Англия ҳукуматининг позицияси табиий равишда алоҳида эътиборни жалб қилмоқда. Англия ҳукумати бу мустамлакада рўй бераётган ҳамма воқеалар учун жавобгар бўлиб, Зимбабве мамлакатини ирқчи давлатга айлантириш учун қилинаётган уринишларга чек қўйиш билан бирга, унинг халқига чинакам мустақиллик бериш Англия ҳукуматининг бевосита бурчидир. Хўш, Англия қандай позицияда турибди?

Англия ҳукумати ўзининг Жанубий Родезия ирқчиларини қувватлаш бир ёқда турсин, ҳатто уларнинг режалари рўёбга чиқарилишига қаршилик кўрсатмоқчи эканлигини айтмоқда. Бироқ Англия ҳукмрон доираларининг ишлари, ҳар ҳолда сўнгги вақтларгача бунинг аксини кўрсатмоқда. Жанубий Родезиянинг ирқчи конституцияси жорий этилган 1961 йилдаёқ Англия озчиликдан иборат оқ танлиларга мамлакатнинг африкалик аҳолиси устидан ҳукмронлик қилишни топшириб қўйди. Шундан сўнг Англия ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларига хилоф равишда Жанубий Родезиянинг маҳаллий ҳукумат маъмурларига кўп миқдорда замонавий қуроллар берди. Аслини олганда, Англия ҳукумати Жанубий Родезия ирқчиларининг Португалия мустамлакачилари ва Жанубий Африка Республикасидаги ваҳшиёна режим билан биргалашиб, Африкага қарши иттифоқ тузишига, Африканинг жанубий қисмида мустамлакачиликнинг ҳозирги пайтда асосий таянчи бўлган ана шу иттифоқни тузишига ҳомийлик қилди.

Жанубий Родезиядаги воқеалар муносабати билан Африкадаги кўпгина давлатлар ва Африка бирлиги ташкилотининг ташвишини Совет Иттифоқида яхши тушунмоқдалар. Мустамлака халқларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётган совет халқи батамом Зимбабве халқи тарафида бўлиб, унинг 1961 йилги ирқчи конституцияни бекор қилиш тўғрисидаги, мамлакат озодлиги учун барча курашчиларни қамоқлардан ва қамоқ лагерларидан озод қилиш тўғрисидаги, «бир одам — бир овоз» деган демократик принцип асосида сайловлар ўтказиш тўғрисидаги ва БМТнинг мустамлака ва қарам халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияси Зимбабве мамлакатига дахлсиз татбиқ этилиши тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватламоқда.

Совет Иттифоқи ана шу принципиал позицияга амал қилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг XX сессиясида Жанубий Родезияда ирқчилар ҳокимиятининг абадийлаштириб қўйилишига йўл бермаслик талабини ва БМТ аъзолари бўлган мамлакатларга башарти Жанубий Родезия озчиликдан иборат оқ танлилар томонидан «мустақил» деб эълон қилинадиган бўлса, бу «мустақиллик»ни эътироф қилмаслик даъватини ўз ичига олган резолюцияни қувватлаб чиқди.

Мўътабар совет доираларида шунга асосланмоқдаларки, башарти Жанубий Родезия ирқчилари жиноий режани амалга ошириб, ўзларининг Жанубий Родезиядаги ирқчилик режимларини абадийлаштириб қўядиган бўлсалар, Совет Иттифоқи бундай режимни тан олмайди ва тўрт миллионли Зимбабве халқининг озодлик ва чинакам миллий мустақиллик учун олиб бораётган адолатли ва қонуний курашида унга бутун чоралар билан мадад бериш учун Африка халқлари билан ҳамкорлик қилади.

Планетамизда

БЕЛЬГИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БРЮССЕЛЬ, 25 октябрь. ТАСС мухбири А. Огородников хабар беради: Бельгия Коммунистик партиясининг XVI съезди кеча бу ерда ўз ишини тамомлади.

Съездда Бельгия Компартиясининг раиси Эрнест Бюрнель доклад қилди.

Марказий Комитет доклади ва доклад юзасидан қабул қилинган резолюциялар Бельгия коммунистларининг яқин давр ичида бутун дунёда тинчликни сақлаш учун, Бельгиянинг НАТОдан чиқиши учун, Бельгия меҳнаткашларининг демократик озодликларини кенгайтириш учун, мамлакатни НАТОнинг милитарист доираларига талабларига бўйсундириш, капиталистик монополиялар фойдасини кўзлаб, бевосита ва бавосита солиқларни ва социал орқага қайтишни кучайтириш сиёсатини ўтказаётган ҳозирги Бельгия ҳукуматининг реакцион йўлига қарши курашида уларнинг жанговар программаси бўлиб ҳисобланади.



ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШУВЧИЛАР КОМИТЕТИ

АККРА. Африкада ҳанузгача мустамлакачилик асорати остида қолиб келаётган территориялардаги миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари «Озодлик учун курашувчилар комитети» тузишга қарор қилдилар. Шундай бирлашган комитет тузиш тўғрисидаги қарор 15 та миллий озодлик ташкилоти вакилларининг учрашувида қабул қилинди.

Ўша учрашувда Африка бирлиги ташкилотидан ва унинг 9 лар комитетидан ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларга берилаётган молия ёрдамини ва бошқа ёрдамларни кўпайтиришни илтимос этишга қарор қилинди. (ТАСС).

САНТО-ДОМИНГОДА АҲВОЛ

ЛОНДОН, 26 октябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Санто-Доминголан хабар беришича, Америка ва Латин Америкаси қўшинлари Санто-Доминго-нинг илгари полковник Кааманьо бошлиқ конституциячи ҳукумат контроли остида бўлган зонасига кеча танклар ёрдами билан бостириб кирган.

Америка қўшинлари собиқ президент Хуан Бошнинг уйини қўриқлаётган миллий полициянинг бутун отрядини қамоққа олган.

Америка қўшинлари уйни тинтиб, топилган қуроллярғоларни мусодара қилган.

● ● ● ●

— ХУДО йўлига садақа қилинглар, — деб илтижо қилади Париждаги Катта бульварлар районида ўтирган киши. Марказий Риволи кўчасида ҳам, Манпарнасса районида ҳам бундай гадоларни кўриш мумкин. Одатда улар шарманка ёки гитара чалиб ўтирадилар. Полиция эса уларни гадо эмас, балки «артист» деб ҳисоблайди.

В. Кусов фотоси
(ТАСС фотохроникаси)

НЮРНБЕРГ КЕЧА ВА БУГУН

Бош немис ҳарбий жиноятчилари устидан ўтказилган машҳур Нюрнберг процесси — «аср суди»га 20 йил тўлмоқда. Тарихда биринчи марта бўлган бу халқлар суди, трибунал Уставида ёзиб қўйилгандек, тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят ва инсониятга қарши жиноят қилган фашист жаллодлар иши устидан ҳукм чиқарди. СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг махсус битими билан ташкил этилган халқаро ҳарбий трибунал Европага беҳисоб қулфат келтирган асосий нацист каллакесарларини қилмишига яраша жазолади.

Нюрнберг суди залида гитлерчиларнинг жиноятларини оқлайдиган овозларнинг эшитилмаганлигига сабаб—у вақтда уруш йилларидаги азобуқубатлар халқлар хотирасида янги эди. «Ҳозирги кунда биз учун Нюрнберг тарихий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган фактдир, — деган эди суд процессида АҚШ айбловчилари вакили Тэйлор, — ҳар бир ҳукумат ўзининг ички ва ташқи сиёсатида бу фактни ҳисобга олмоғи керак... Гарчи бизни тинчлик даври кутаётган бўлса ҳам, Нюрнберг процессини ташкил этганлар уни унутмаслиги керак...».

Эҳтимол АҚШнинг Нюрнберг процессидаги собиқ вакиллари бундан 20 йил муқаддам сўзлаган нутқларини ҳозир эслагилари келмаётгандир, чунки сўнгги вақтда расмий Америка Бонн сиёсатчиларини апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқда. Лекин биз Тэлфорд Тэйлор нутқининг герман милитаризми хавфи ҳақидаги қисмини эслаб ўтмоқчимиз. Бу милитаризм, деб таъкидлаган эди АҚШ вакили, «яна юзага келадиган бўлса, унинг нацизм паноҳида вужудга келиши шарт эмас. Немис милитаристлари ўз тақдирларини немис ҳарбий қудратини қайта тиклашни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай киши ёки ҳар қандай партия тақдири билан боғлаши мумкин. Улар ҳамма нарсани олдиндан бамайлихотир ҳисоблаб чиқадилар».

Ҳамма нарсани олдиндан бамайлихотир ҳисоблаб чиқадилар... Бир неча йил муқаддам Рейнда бундесвер ядро қуроли билан қуролланиши мумкинлигини инкор этар эдилар. Эндиликда эса Шредер ҳукмрон партиясининг энг «мўмин» сиёсатчиси ҳам атом бомбасини талаб қилмоқда. Боннда министрликлар, судлар, армия штабларига орқа йўлакдан кириб олган ҳарбий ва нацист жиноятчиларини яқиндагина ўгрича яширар эдилар, бу йил баҳорда эса Германия Федератив Республикаси парламенти гитлерчи қотилларни амалда афв этувчи қарор қабул қилди.

Ваҳолонки, кўпгина мамлакатларда шундай қонунлар қабул қилинганки, бу қонунларга мувофиқ ҳарбий жиноятчилар бу жиноятни қачон қилганликларига қарамай, жазоланади. Совет Иттифоқи, Польша, ЧССР, Бельгия, Венгрия ҳукуматлари шундай қонунларни қабул қилди. Германия Демократик Республикасининг Халқ палатаси 1964 йил 1 сентябрда, иккинчи жаҳон уруши бошланганининг 25 йиллиги кунида «Ҳарбий ва нацист жиноятлари учун таъқиб қилиш тўғрисида қонун» қабул қилди. Бундай қонунлар энг аввало шунинг учун қабул қилиндики, Ғарбий Германияда реваншизм ва милитаризм руҳи яна авж олиб кетди. Гитлерчилар фашизми тор-мор келтирилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб немис ишчи-деҳқонлар давлатида босиб чиқарилган «Қўнғир китоб»да кўйидагилар таъкидланади: «Ғарбий Германия ҳукумати барча халқларнинг адолатли талаблари билан ҳисоблашмади. Потсдам битими ва Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал ҳукмини назар-писанд қилмади... Ҳарбий жиноятчиларни таъқиб этишни деярли бутунлай тўхтатиб қўйди ва энг оғир нацист жиноятларининг бош айбдорлари ва иллюмчиларини муҳим давлат мансабларига тайинлади».

Гитлерчи жаллодларнинг жиноятлари учун жавобгар бўлган йирик монополияларнинг бошлиқлари, учинчи рейх ҳарбий саноатчилари ҳозирги пайтда Ғарбий Германиядаги энг нуфузли кишилардир. Гитлерчи вермахт бош штабининг юриси бўлган бундесвер штаби ўзининг «олдинга сурилган марралар стратегияси»ни мактаб, атом қуролини қўлланиш билан уруш олиб боришни планлаштирмоқда.

БОШ ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР УСТИДАН БУЛГАН СУДНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

□ □

Гўё Нюрнберг трибунали ҳукмидан кулгандек, Риббентропнинг собиқ кишилари ҳозир Бонн ички ишлар министрлигида муҳим лавозимларни эгаллаб турибди. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидаги 60 га яқин элчи—эски нацист дипломатлардир.

Юздан ортиқ йирик реваншчи ташкилотлар Эльбанинг Ғарбида ўзига ин қуриб олган, бу ташкилотлар Бонн ҳукуматидан молиявий ёрдам олиб турибди. Тинчлик ва инсониятга қарши оғир жиноятлар қилган жиноятчи шахслар бу ташкилотларга бошчилик қилмоқда.

Нацистларнинг фавқулодда судларининг собиқ аъзолари бўлган 800 дан ортиқ юрист Германия Федератив Республикасида юридик практика билан шуғулланмоқда. Уларнинг қўли қон билан бўялган, улардан баъзилари ўлим жазоси бериш тўғрисида юздан ортиқ ҳукм чиқарган. Лекин бу жиноятлар собиқ гитлерчи юристларнинг Германия Федератив Республикасини янги урушга тайёрлашга хизмат қилиши лозим бўлган «Фавқулодда қонунлар» тузишда иштирок этишига тўсқинлик қилмади. Улар Германия Коммунистик партияси аъзоларини репрессия қилмоқдалар, тинчлик тарафдорларини, барча прогрессив кайфиятдаги граждданларни таъқиб этмоқдалар.

Собиқ нацистчи идеологлар ҳам реваншизм ва антикоммунизм сиёсатини зўр бериб ўтказаётган давлатда ўзларига ёғлиқ жой топиб олдилар. Геб йил иккинчи лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

САВОЛ — Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари қайси йилдан бери ўтказилляпти ва фахрли мукофотни қайси команда кўпроқ олган?

ЖАВОБ — Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар 1937 йилдан бошлаб ўтказила бошланди. Фақат 1941 йилда ўтказилгани йўқ. Тошкентнинг «Динамо» командаси кубокни энг кўп — олти марта олишга муяссар бўлган.

САВОЛ — Парашютчи спортчилар самолётдан сакрагач, неча километр парашютни очмай тушишлари мумкин, бу ўринда жаҳон рекорди бўлса айтиб беролмайсизми?

ЖАВОБ — Яқинда совет спортчиси Алла Сиопинова тунда реактив самолётда 14000 метр баландликдан сакради ва 13500 метргача парашютни очмай тушди. 500 метр қолганда парашютни очиб юборди ва жаҳон рекорди автори бўлди.

САВОЛ — Диск улоқтиришда жаҳон рекорди кимга қарашли ва натижасини айтиб беролмайсизми?

ЖАВОБ — Спортнинг бу турида чехословакиялик Л. Данек дунёда энг кучли ҳисобланади. У дискни 64 метр 55 сантиметрга улоқтира олган.

САВОЛ — «Динамо» (Москва) — «Пахтакор» матчида В. Царев тўпни ўз дарвозасига киритиб юборди. Бу тўп кимнинг ҳисобига ёзилади?

ЖАВОБ — динамочи В. Царевнинг «шахсий ҳисобига».

САВОЛ — «Пахтакор» «А» классида қатнашаётгандан бери рақиблар дарвозасига қанча тўп киритди-ю, ўз дарвозасидан қанча тўп ўтказиб юборди.

ЖАВОБ — «Пахтакор» ночилар сафида қатнашаётгандан бери (ўтган йилги иккинчи лигадаги натижалар ҳам ҳисобга олинади) рақиб дарвозасига 239 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан 290 та тўп ўтказиб юборди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЯЛАНҒОЧ СИЁСАТЧИ

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтон полицияси ёш ушланиб қолган бир жанобни тонг пайтида ушлаб олиб келди. У ўз машинасининг рулига мук кетиб қип-яланғоч ухлаб ётган экан. Унинг ёнида ўкланган тўппонча ва ичилиб тамом бўлмаган бир бутилка вино ётар эди. Протокол тузиш вақтида ўша полиция ушлаб келтирган жаноб АҚШ ташқи сиёсатини планлаштириш кенгашининг аъзоси полковник Чарльз И. Каммингс эканлиги маълум бўлди.

Каммингс шу қадар шарманда бир ҳолатда пойтахт кўчаларида ўзининг қандай пайдо бўлиб қолганлигини изоҳлаб беролмади. Пентагон вакиллари, полковник Каммингснинг махфий маълумотлардан хабардор киши эканлигини ва ҳозирги вақтда давлат департаментига юборилганлигини айтдилар.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 25 октябрь. (ТАСС). Индонезия миллий парламенти Индонезия Коммунистик партиясининг ҳамма аъзоларини вакиллар палатасининг депутатлиги вазифаларини ижро этишдан вақтинча четлаштирди. Айни маҳалда Жакарта муниципалитети 72 ходимнинг ишдан вақтинча четлаштирилганлигини маълум қилди. Бу хабарни Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг мухбири Жакартадан юборди.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

Ҳурматли редакция! Биз бир группа қирғизистонлик спорт ишқибозлари газетангизда «Справка бюроси» очилганини эшитиб ниҳоятда қувондик. Спорт ишқибозлари ўзлари билмаган ва тушунмаган, аммо қизиқан саволларга тўлақонли жавоб олаётганлари айни муддао бўлибди. Бизнинг ҳам бир неча саволларимиз бор. Шунга жавоб берсангиз.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ БЎЙИЧА СПРАВКА БЮРОСИ

● ●

ОБ-ҲАВО

Сўнгги икки кун ичида Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво деярли ўзгариб турди. Ёнингарчилик билан бир вақтда қаттиқ ҳам кўтарилди. Ҳавонинг бундай келишига сабаб республикамизга Ўртаденгиз томонидан нам ва иссиқ оқим кела бошлади.

Яқин кунларда Ўрта Осиёнинг Шимолий ва Ғарбий районларида ҳаво оқимининг ўзгариши кутилади. Стратосферанинг юқори қатламларида ҳаво оқими жануб ва ғарб томондан шимол ва жанубга қараб юра бошлайди. Бу — совуқ ҳавонинг Волга бўйларига ва Ўрта Осиёга қараб оқишига сабаб бўлади.

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, шунингдек Бухоро областининг шимолий районларида ёғингарчиликнинг тўхташи ва ҳавонинг совуши кутилади. Ҳарорат 0 даражагача боради. Республиканинг бошқа территорияларида ҳавонинг ўзгариб туриши, айрим жойларда ёмғир ёғиши кутилади. Шимол ва ғарб томондан секундига 15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 15-20, жануб томонда 25 даражагача боради.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кечқурун ёмғир ёғади. 16-18 даража иссиқ бўлади.

ФУТБОЛ

«ЛОКОМОТИВ» ХАВФЛИ ЗОНАДА

Ўтган душанба куни Москвада аҳволи анча оғирлашиб қолган темир йўл спортчилари сўнгги ўринларда турган «Шахтёр» (Донецк) футболчилари билан учрашди. Ҳар иккала командага очко ҳаводек зарур эди. Жуда шиддатли ўтган кураш меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. 11 метрдан Левченко урган тўп «Шахтёр» футболчиларига жуда қиммат-ли иккн очкони келтирди. Донецклик футболчилар хавфли зонадан чиқиб олдилар. «Локомотив» командаси 30 ўйиндан 24 очко тўплаб, хавфли зонанинг ҳақиқий даъвогари бўлиб қолди.

КОМАНДАЛАР АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

Командалар	У	Т	О
«Торпедо» М.	27	42—18	41
«Динамо» К.	26	46—18	40
«Динамо» Мн.	27	32—19	33
ЦСКА	27	31—19	32
СКА Р.	28	34—29	31
«Динамо» М.	28	32—24	30
«Динамо» Тб.	27	30—26	28
«Зенит»	27	30—26	28
«Спартак» М.	27	22—20	28
«Кр. Советов»	27	33—30	26
«Нефтяник»	28	27—31	26
«Пахтакор»	27	27—83	26
«Шахтёр» Д.	27	24—26	25
«Черноморец»	28	33—37	26
«Локомотив» М.	30	37—45	24
«Торпедо» Кт.	28	21—63	14
СКА Од.	27	17—54	9

КИНО

Бева-келинлар — «МИР», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (1-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 яримда).

Эшик тутқичи комедия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда).

Ер айланасида саёҳат — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-10 минутда).

Йиғлама, Петр (эрталаб соат 10). **Қора бахмал** (кундуз ва кечқурун) — СОБИР РАҲИМОВ номли.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қизил галстук** тележурнали.

18.45 — **Телевизион янгиликлар** (Ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 19.10 — **Партия маорифи системасида янги ўқув йили олдидан**, 19.40 — **Биринчи севги қўшиғи** (бадиий фильм).

21.10 — **Эшиттиришлар программаси.**

21.15 — **Улуғ Ватан уруши номли ҳужжатли фильмнинг 1 ва 2-серияси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Шаҳримиз бўйлаб** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — **Концерт** (румин ашулачиси Николае Херль ижросида), 18.50 — **Тошкент янгиликлари.**

19.00 — **«Надежда» кубоги учун** (футбол бўйича финал ўйинлари).

Ўзбек тилида: 19.45 — **Қишлоқ коммунистларининг иш куни**, 20.05 — **Тошкент янгиликлари**, 20.15 — **Одам қони сув эмас** (бадиий фильм).

Рус тилида: 21.50 — **Қуювчи учун** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Шоир бешиги** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/X да **Фауст**, 28/X да **Дон Жуан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/X да **Юлдузлар жамоли**, 28/X да **Сўнгги нусхалар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

Реклама ва эълонлар

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИДАГИ

ГАЗЕТА ва журналларга

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Советский спорт,
Физкультурник Узбекистана,
Узбекистон физкультурачиси,
Лёгкая атлетика,
Спортивные игры,
Физкультура и спорт,
Шахматный бюллетень,
Шахматы в СССР,
Спортивная жизнь России,
Шахматы,
Шашки ва бошқалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

«ТАШПРОМТОРГ»
сотувчилар тайёрлайдиган
2 ОЙЛИК

КУРСГА

8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 18-20 ёшдаги қизларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Стипендия тўланади.
Саноат товарлари сотувчилар (қизлар) ҳам қабул қилинади.
Братски кўчаси, 41-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 3-30-30.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА

ускуна ремонт қилувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, штампларни синовчи наладчиклар, универсал-токарлар, токарь автоматларига автоматчилар, химия лабораторияси бошлиғи, металл конструкцияларни йиғувчи слесарлар, бўёқчилар, электромонтажчилар, тунукасозлар, прессчилар, электрокар зарядчилари, электромонтёрлар, ёрдамчи ишчилар, пластмасса инженерлари, электросварқачи

КЕРАК

Рухловчи, прессчи, штамповщачи касбларига ўргатиш учун **шогирдлар ҳам қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Манжара кўчаси, 135-уй (5-трамвай, 7, 12, 17, 22, 26-автобуснинг «Қорасув» остановкаси).

ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИГА

токарлар, слесарлар, электромонтёрлар, электрообмотчиклар

КЕРАК

Носиров кўчаси, 77-уйда кадрлар бўлимига учрашсин (2-трамвай, 9-автобуснинг «Геологоразведка». 11, 19, 49-автобуснинг «Туғруқ уйи» остановкаси).

ТАШКИЛОТ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чоржўй — Фароб пунктида

Амударё орқали

АВТОМАШИНА, ЮК ВА ПАССАЖИРЛАР

маҳаллий вақт билан ҳар куни эрталаб соат 8 дан кундуз 5 гача

УТКАЗИЛАДИ.

ПАРОХОДЧИЛИК БОШҚАРМАСИ.

1965 йил 10 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Братск кўчаси, 33-уй, 5-қават) қуйидагилар юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

К. П. Эркаҳўжаев: «Ўзбекистон ССР Олий судининг ташкил топиши ва фаолияти» деган темада.

А. Ражабов: «Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ҳужудга келиши ва фаолияти» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги коллегияси ва партия комитети Бухоро область ижроия комитетининг Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, III ранг милиция комиссари К. М. Муродовга онаси

Ойпошша

ҚОСИМХЎЖАЕВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 252. ИНДЕКС 64543. Р. 11717